Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

#48 (415)

Noyabr

D.		7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29	
Ch.	2	9	16	23	30	✓
P.	3	10	17	24		
J.	4	11	18	25		
Sh.	5	12	19	26		
Y.	6	13	20	27		

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Беш қитъа полвонлари Ўзбекистонда

26-27 ноябр кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси кураш ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Икки кун давомида беш қитъанинг 50 дан ортиқ давлатидан келган 150 нафарга яқин полвонлар кураш бўйича 5-жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун баҳс юритдилар.

Мусобақанинг биринчи куни аёллар 63,70, 78, +87 килограммгача вазн тоифасида, эркаклар 81, 90, 100, +100 килограммгача вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Унда аёллар ўртасида Масия Мартинис (Бразилия), Гулмира Исматова, Зулҳижжа Худоёрова (Ўзбекистон), Зеҳра Кая Белкис (Туркия)лар ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Эркаклар ўртасида Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев, Абдулла Тангриев (Ўзбекистон) ва Фаллах Аббос (Эрон)ларга ғолиблик насиб этди. Айниқса, оғир вазнли полвонлар ўртасидаги баҳс муросасиз кечди. Финалда эронлик номдор полвон Саид Хисрави Нажотга рўбарў келган ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ўз маҳоратини намойиш этди. Қизиқарли давом этган олишувда Абдулла Эрон полвонидан анча устун эканлигини исботлаб соф ғалаба қозонди.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи куни аёллар 48, 52, 57 ва мутлақ вазн тоифасида, эркаклар 60, 66, 73 ва мутлақ вазн тоифасида ғолиблик учун баҳс юритдилар. Эркаклар ўртасида Фурқат Маматов (Ўзбекистон), Расул Боқиев, Рустам Боқиев (Тожикистон)лар ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Аёллар ўртасида жаҳон чемпионлиги Пинилопи Ставрио (Кипр), Пержи Илона (Венгрия) ва Сенсой Йилдиз (Туркия)ларга насиб этди.

Мутлақ вазнли полвонлар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз кечди. Аёллар ўртасида мутлақ вазн финалида туркиялик Зеҳра Кая Белкис ва ҳамюртимиз Мария Шекирова беллашдилар. Унда курашимиз усулларини анча ўзлаштириб олган Кая Белкиснинг қўли баланд келди.

Эркаклар ўртасида мутлақ вазн тоифасидаги мусобақа финалида эса ҳамюртимиз Абдулла Тангриев грециялик таниқли полвон Дионисис Илиадис билан беллашди. Финалда омад Абдулла Тангриевга кулиб боқди.

Мусобақалар якунида Ўзбекистон терма жамоаси 7 та олтин, 5 та кумуш, 4 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Икки кун давом этган жаҳон чемпионати ҳам поёнига етди. Чемпионатда мутлақ вазнда ғолибликни қўлга киритган А.Тангриевга Ўзбекистон Президентининг махсус совғасини Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев топширди.

Ўз мухбиримиз

JARAYON

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган «Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Парламент назорати қандай бўлмоғи керак?

Унда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа бир қатор вазирлик ва идораларнинг ходимлари, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар вакиллари иштирок этдилар.

Ушбу тадбир Республика Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш» Концепциясига мувофиқ ўтказилди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда парламент назоратининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда икки палатали Парламент иш бошлагандан сўнг бу масалага эътибор янада кучайди. Ўтган давр мобайнида парламент назоратини амалга оширишда бирмунча тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин вақт ўтиши билан бу соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги аён бўлмоқда. Семинарда амалдаги қонунчиликда парламент назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгиланганлиги, бироқ парламент назорати масалаларини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда парламент назорати бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Маърузаларда ва мунозара иштирокчиларининг чиқишларида парламент назоратига оид тушунчаларга аниқлик киритиш, парламент назоратининг объектлари ва субъектлари, тамойиллари, мақсад ва вазифалари, шакллари, тартиби ва босқичларини белгилаш, парламент палаталари назорат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг бундай фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, парламент назорати бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг юридик табиати ва уларнинг ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари каби масалаларга алоҳида урғу берилиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Парламент назоратининг илмий-назарий асосларини ва халқаро тажрибани қиёсий ўрганиш муҳим эканлигига эътибор қаратилди.

Семинар иштирокчилари инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш ва амалда қўллаш механизмини такомиллаштиришда парламент назоратининг ролини ошириш муаммолари ечимига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Ўз мухбиримиз

SHU SONGA XABAR

ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон вилоят прокуратурасида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг тизимида «Аҳолини иш билан таъминлаш» ва «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонунлар ижроси юзасидан текшириш якунига бағишланган мувофиқлаштирув кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори И.Полвонов, вилоят прокуратураси тармоқ бошлиқлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларнинг ёрдамчилари, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Эгамова, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимлари ҳамда шаҳар, туман меҳнат бўлими бошлиқлари иштирок этдилар.

Бош прокуратура бошқарма прокурори И.Полвоновнинг ўтказилган текшириш якунлари бўйича маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Мазкур масала юзасидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи О.Эгамов, бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Ж.Чўтанов, Андижон шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи А.Акбаров, Андижон шаҳар прокурори А.Аҳмедов, Бўз туман прокурори З.Рустамов ва Хонобод шаҳар прокурори Ф.Раҳмоновлар сўзга чиқиб, ҳудудда ишсизликнинг олдини олиш ва янги иш ўринлари яратилиши борасида йўл қўйилган қонунбузилиш ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлигини билдирдилар.

М.ЭМИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



SUD-HUQUQ ISLOHOTLARI

Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш жараёни ўз натижасини бермоқда. Масалан, фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган. Бу Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларнинг ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Жиноят ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, хусусан жазо тизимини либераллаштириш борасидаги ўзгаришлар жамият ҳаётини янада демократлаштириш жараёнига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Шу мақсадда Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони ҳам инсонпарварликнинг яққол намунаси бўлди.

Туман прокуратураси фармон юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тумандаги ташкилот ва ўқув масканларида юзма-юз мулоқотлар уюштирмоқда.

М.АЛЛАМУРАТОВ,
Тўрткўл туман прокурорининг ўринбосари

AFSUS

ОЧИЛМАГАН КЎЗЛАР

Ҳаётда хато қилмайдиган одам бўлмайди. Лекин ҳар қандай хатони ўз вақтида англаш учун ҳам жасорат керак. Бухоролик Бахтиёр Наврўзовга ана шу сифат етишмади. У илгари Чирчиқ гарнизони ҳарбий суди томонидан судланиб, амнистия туфайли жазодан озод бўлганди. Лекин яна жиноят кўчасига кирди.

Озодликка чиққач, Бухоро туман ҳокимлигининг қарори билан рўйхатга олинган «Мирож-Сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб иш бошлади. Жамиятнинг чакана савдо қилиш ҳуқуқи бўлмасада, шу йилнинг январ-апрел ойларида амалга оширилган 512.524 минг сўмлик товар айланмасидан 263.200 минг сўмлик харидоргир маҳсулотларни нақд пулга сотиб, нақд пулни банк муассасасига ҳам топширмади.

Судда Б.Наврўзов айбини тан олиб шундай дейди:

– Жамиятнинг цемент, эҳтиёт қисмлари, шифер ва бошқа қурилиш маҳсулотлари, зардўзлик, хўжалик ишларидан 263.000 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, эвазига бошқа маҳсулотларни сотиб олдим. Шунинг учун пулни банкка топширмадим. Савдо шахобчаси ва назорат касса машинамиз йўқ. Савдони юргизиш учун чакана савдо қилишимизга тўғри келди.

Ҳукм ўқилди. Б.Наврўзов ЖКнинг тегишли моддасига кўра жазосини олди.

Ибодулло ОДИНАЕВ,
Бухоро туман прокурорининг ёрдамчиси

ICHKILIKBOZLIK — ILLAT

Эртакларда айри йўл бошидаги йигитларнинг уч йўналиш — борса-келмас, борса-номаълум, борса-келар дея ёзиб қўйилган кўчаларга дуч келганлиги ҳақидаги афсонани кўп эшитгансиз. Ёзиб қўйилмаса-да, ҳаёт йўллари ҳам шундай. Умр йўлларининг қандай тугаши ҳар кимнинг қандай йўл тутишига, қай йўлни танлашига боғлиқ.

Айри йўл бошида

Афсуски, айримлар енгил-елпи ҳаёт, спиртли ичимлик ва оғу таъсиридаги кайф-сафо йўлини танлаб, ўз умрини бошн берк кўчага тиқиб қўяди.

Зарафшон шаҳрида яшовчи Р.Жумаев шундайлардан бири. Энг ёмони, ўзи касалманд бўлса-да, «шайтон суви»дан симиргач, шерга айланади. Ёз кунларининг бирида уйига кайфи тароқ бўлиб қайтди. Уни тартибга чақирган опаси Д.Жумаева шу дамда кўзига душман бўлиб кўринди. Уни ошхона пичоғи билан чавақлаб қўйгач, ҳуши ўзига қайтди. Бироқ, энди пушаймондан фойда йўқ.

З.Умаров ҳам ичиб олгач, кўча кезиб қолади. Шу йилнинг февралида маст ҳолатда, ошхона пичоғи билан қуролланиб, таниши С.Дўстовнинг уйига боради. Унга бир неча бор пичоқ уриб, 315 минг сўм пулини олиб, «қўён» бўлади.

Бахтли тасодиф туфайли С.Дўстовнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қурбон АҲМЕДОВ,
Зарафшон шаҳар прокурори

MUROJAATLAR E`TIBORDA

Қонунга мувофиқ бўлсин

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари фуқароларнинг мурожаатларининқонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Фуқаро А.Холиқов «Халқ банки»нинг Сурхондарё вилоят бўлимидан кредит ололмаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди.

Аниқланишича, у мазкур банкнинг Музработ туман филиалига дорихона фаолиятини юритиш учун 1,5 миллион сўм кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган. Унинг аризаси банк филиалида кўриб чиқилиб, тадбиркорнинг талабини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинган. Бу ҳақда банкнинг вилоят бўлимига алоқа хати билан зарур ҳужжатлар тақдим этилган. Бироқ банкнинг вилоят бўлими бу ҳақда республика бошқарувига мурожаат қилмаган.

Вилоят прокуратураси аралашуви билан ушбу қонунбузилиш ҳолати бартараф этилди. Банкнинг республика бошқарувидан рухсат олиниб, «Азизбек» хусусий дорихонасига кредит ажратилиши таъминланди.

Шеробод туман халқ таълими бўлимига қарашли 13-мактаб ўқитувчиси Н.Хўжаев вилоят прокурори номига ариза билан мурожаат қилиб, 2005 йил май ойи учун 314.718 сўмлик иш ҳақи, аванс ва таътил пулларини олмаганлиги, ушбу пуллар берилганлиги тўғрисидаги тўлов ведомостидаги имзолар ўзиники эмаслигини баён қилган.

Суд-хатшунослик экспертизасининг хулосасига кўра ҳақиқатан ҳам тўлов ведомостларидаги имзолар Н.Хўжаевники эмаслиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Кўриниб турибдики, очиқ-ошкора ёзилган ариза ёки шикоятларни ҳар томонлама кўриб чиқиш чоралари кўрилади. Афсуски, мурожаат қилувчилар орасида анонимчилар ҳам учраб туради.

Фуқаро Г.Усмонова номидан Ангор педагогика коллежи директори И.Аҳмедов ва директор ўринбосари Р.Қулматовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида ариза ёзилган. Лекин аризада муаллифнинг яшаш жойи кўрсатилмаган.

Ўқув юрти атрофидаги маҳаллалардан олинган маълумотномаларда бу ҳудудда бундай исмли фуқаро яшамаслиги қайд этилган.

Д.Нураев номидан вилоят «Автотеххизмат» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Б.Шариповнинг ғайриқонуний қилмишлари ҳақида Республика Президенти ва Бош вазирига ариза йўлланган.

Ариза муаллифи вилоят прокуратурасига таклиф этилиб, ундан тушунтириш хати олинганда, у бу аризаларни ёзмаганлиги, имзо ҳам уники эмаслигини билдирган.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳеч ким чеклай олмайди. Аммо бу борадаги хатти-ҳаракатлар қонунга мувофиқ бўлмоғи лозим.

Шодмон САФАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

QING`IR ISHNING QIYIG`I

ҲОЖАТБАРОР ҚАРИНДОШ

Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли болалар серебрал фалажи ва полиомелит асорати бўлган ногиронлар реабилитация маркази бош ҳисобчиси З.Холматованинг ҳонасига қариндоши, Фарғона шаҳарида яшовчи М.Исоқова кириб келди.

— Опажон, — деб гап бошлади Мамлакатхон, — бир иш билан келган эдим. Биласиз, ўзим ҳам, эрим ҳам ишламаймиз. Тўртта гўдагим бор. Уларга фуқаролар йиғинидан нафақа олишим учун эримни шу ерда ишлайди, деган қоғоз қилиб берсангиз.

З.Холматова ўйлаб ҳам ўтирмади. Қариндошимга фойдам тегмаса, кимга тегади, деган хаёлга борди.

Хуллас, бош ҳисобчи қариндоши А.Исоқовнинг марказда ишлаб, 2001 йилнинг мартидан 2004 йил октябрига қадар иш ҳақи олганлиги ҳақида қалбаки маълумотнома ёзиб, тасдиқлаб беради. М.Исоқова қалбаки маълумотномани Оқариқ қишлоқ фуқаролар йиғинига тақдим этиб, 16 ёшгача бўлган фарзандлари учун 2002 йил апрелидан 2005 йил 26 январига қадар 236140 сўм нафақа пули олади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукми билан қариндошлар тегишли жазосини олишди.

О.ҚЎЛДОШЕВ,
Фарғона шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

EGRI YO`L ADOG`I

Сув текинга сотилган мотор

Рауф Салимов Бухоро хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси (ХРСУ) ташкилотига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Ўша пайтда ташкилотда тузукроқ автомобил бўлмагани сабабли унга таъмирга муҳтож «КАЗ»юк автомашинасини топширишди. Рауф машинанинг мотори йўқлигидан таажжубланиб, бошлиқ ҳузурига кирди.

— Мотор тузатиш учун гаражга олиб қўйилган, — деди участка бошлиғи Амин Тўхтаев. — Бир амаллаб тузатсангиз, яхши иш бўларди.

— Хўп, эҳтиёт қисмлар учун пул берсангиз, уч кунда чиқараман.

— Ҳозир ҳисоб рақамимизда пул йўқ. Ёнингиздан харажат қилсангиз, кейин ҳисоб-китобини тўғрилардик.

Ҳайдовчи эҳтиёт қисмлар бозорига чиқди. Аммо йиғиб қўйган пули урвоқ ҳам бўлмади. Арзимас эҳтиёт қисм фалон пул. Бир ҳафта ўтиб, бошлиқ уни йўқлаб қолди.

— Когонда Негбой Очилов деган уста бор экан. Моторни шу кишининг уйига олиб бориб беринг, тузатиб беради.

Кутилмаган ҳотамтойликдан хурсанд бўлган Рауф машина ёллаб, моторни айтилган манзилга етказди. Эртаси куни кўмаклашиш учун устанинг уйига борди.

— Сиз уйингизга бориб ишингизни қилаверинг, — деди Негбой. — Агар керак бўлсангиз, чақиртираман.

Аммо бир неча кун ўтса ҳам Рауфни ҳеч ким йўқламади. Кўнгли ғаш бўлиб, яна устанинг уйига йўл олди:

— Бир ойдан бери кутаман, ака. Менинг ҳам оилам бор, рўзғор тебратишим керак. Ё тузатиб беринг ёки моторни қайтаринг, ўзим бир амаллайман.

Уста пинагини ҳам бузмай «Буни тузатгандан кўра, янгисини сотиб олган маъқул, анча детали етишмайди» деди ғўлдираб. Ҳайрон бўлган Рауф моторни кўздан кечираркан, ранги қув ўчди. Мотор тенг ярмига «қисқарган» эди.

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, бошқа двигател гаплашиб қўйганман, — деди Негбой, — бошлиғингиз ҳаммасидан хабардор.

Рауф ҳеч нарса демай, чиқиб кетди. Бошлиғи билан уста ўртасида у билмайдиган қандайдир келишув борлигини пайқагандай бўлди. Ишдан қўли совиб, уйидан чиқмайдиган бўлди. Бироқ бошлиқнинг ўзи уни сўраб келди. Улар бирга Негбойнинг уйига боришди. Аммо уни топишолмади. Омборхона эса бўм-бўш, мотордан асар ҳам қолмаганди. Бир ҳафта ўтгач, Амин Тўхтаев Негбойни Рауфнинг олдига олиб келди:

— Бир жойда мотор бор экан. Бирга бориб кўриб келайлик, юр, — деди бошлиғи унга.

— Ҳайдовчингиз билан бориб, ўзимиз кўриб келайлик, сизни безовта қилишнинг кераги йўқ, — хушомад қилди Негбой.

Бошлиқни йўлга солган уста ҳайдовчини ҳам алдади. Улар Негбойнинг қайнакасиникига меҳмонга боришди, холос.

Бир куни ишхонадан хабар олишга отланган Рауф ҳамкасбларидан ўша мотор гаражда эканини эшитиб, ҳангу манг бўлди. Бориб кўрса, дарҳақиқат, двигател гаражда турибди. Фақат қисмларга бўлиб ташланган. У корхона бош механиги билан машинанинг техник паспортидаги рақамларни солиштирди. Кутилганидек, мутлақо бошқа рақамли мотор бўлиб чиқди. Бу ҳақда А.Тўхтаевга айтишган эди, у қўл силтаб қўя қолди...

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Бухоро хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси бошлиғи яна собиқ ҳайдовчини йўқлади. Бу сафар ниҳоятда саросимага тушган, ташвишланганидан зўрға кўришиб, мақсадга ўтди:

— Мени Негбойнинг уйига олиб бор. Ўша иш билан ҳозир прокуратура шуғулланаяпти. Моторни топиб, жойига қўймасак, аҳвол чатоқ.

Дарҳақиқат, А.Тўхтаевга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолганди. У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг тугатилишидан хабар топиб, шундай талон-торожликка қўл уради. «КАЗ-4540» автомашинасининг 1.700.000 сўмлик двигателини атиги 180.000 сўмга Н.Очилов орқали Ғиждувон тумани «Зарафшон» жамоа хўжалигида яшовчи А.Пўлатовга сотиб юборади. Кейинчалик, А.Тўхтаев 200.000 сўмга воситачи ҳамтовоғи билан ўша моторни қайтариб олишга уринишади. Бироқ ундасидан чиқолмай, Қизилтепа туманидан худди шундай русумдаги двигател топади. Аммо мотор эгалари 3 миллиондан камига кўнишмайди...

Тумшуғидан илинган А.Тўхтаев ва Н.Очиловлар ЖКнинг тегишли моддаларига кўра жавобгарликка тортилди.

Ҳасан ШАМСИДДИНОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори

Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

PAKAM
Чоршанбадан чоршанбагача таҳририят муштарийлардан 31 та мактуб олди.

● Minnatdorchilik

Yordamingiz uchun rahmat

Ҳурматли таҳририят! Кўчамизга сув ўтказилганидан сўнг асфалт қилинмасдан аҳолига ноқулайликлар вужудга келаётганлиги ҳақида сизларга шикоят ёзган эдик. «Huquq» газетасининг 2005 йил 14 сентябрдаги 37-сонида «Сув учун раҳмат. Аммо...» номли мақола эълон қилинди. Шундан кейин туман ҳокимлигидан вакиллар келиб, вазиятни ўрганишди ва кўчамизга тўлиқ асфалт ётқизилди. Бундай натижага эришишда билвосита ёрдам берганингиз учун кўчамиз аҳли номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Baraka OCHILOV,
Zulfiya BAYAZOVA,
Baxtiyor SAYFIDDINOV,
Toshkent shahri Mirzo Ulug`bek tumanidagi Moylisoy ko`chasida yashovchi fuqarolar (jami 36 imzo)

MENGA MADAD BERDILAR...

Ёлғиз онаман. Битта фарзандим бор. Уй-жой масаласи бўйича муаммони ҳал қилишда бизга Когон шаҳар ҳокимияти ёрдам берди. Лекин шу давр ичида баъзи англашилмовчиликлар туфайли анча тушкунликка тушиб қолдим. Шундай дамларда маслаҳат бериб, кўнглимни кўтарган инсонлар бўлди. Уларнинг эътиборидан ҳаётга бошқача кўз билан қарашни ўргандим.

Ҳурматли таҳририят! Мен ўзларига айтолмаган миннатдорчилигимни Когон шаҳар прокуратураси ходимлари — У.Ҳамидов, Қ.Жабборов, Н.Назаровларга газетангиз орқали етказишингизни истардим. Ҳуқуқимиз ҳимоячиларининг ишларига ривож тилайман.

Nasiba BOZOROVA

● Madadtalab maktub

CHORA KO`RISHMAYAPTI

Турли идора ва ташкилотларга қатнайвериб, ҳеч бир натижа бўлмай, охири сизларга хат ёзишга мажбур бўлдим.

Гап шундаки, бир неча йиллардан бери уйимнинг томидан сув ўтади. Мен бир неча марта бу ҳақда «Умид» уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаат қилдим. Лекин ҳеч қандай чора кўришмади. Ўз навбатида мен ҳам коммунал хизматлар учун тўловни тўхтатдим. Эътибор бериб қарасам, ўртамизда ҳеч қандай шартнома тузилмаган бўлсада, йиллар давомида барча турдаги тўловларни тўлаб келган эканман. Эвазига эса улар ҳеч қандай хизмат кўрсатишгани йўқ. 2001-2002 йиллари бир неча бор томни таъмирлаш тўғрисида ширкат мутасаддиларига қилган илтимосларим натижа бермади. Ноилож шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилдим. Шундан сўнг туман ҳокимининг ўринбосари бошчилигида бир гуруҳ усталар келишди ва биз билан шартнома тузишди. Унга кўра таъмирдан сўнг 2002 йил ноябр ойининг охиригача мен 21.301 сўмлик қарзимни тўлашим керак эди. Лекин биринчи навбатда ширкатнинг ўзи шартномага амал қилмади — томни таъмирламади. Шу боис мен ҳам бу тўловни амалга оширмадим. Мана, орадан беш йил ўтганига қарамай ширкат ҳамон томни таъмирлаш борасида бирор чора кўргани йўқ. Шунга қарамай, ширкат ходимларининг гапига кўра, менинг қарзим ортиб бормоқда. Ҳатто ширкат ҳисобчиси агар тўловларни амалга оширмасам уйдан кўчага ҳайдаб чиқартираман деб дўқ қилди. Мен Когонда туғилганман, шу ерда истиқомат қиламан. Қирқ олти йил турли муассасаларда ҳалол хизмат қилдим. Бундай муомала менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Тушунаман, коммунал хизматларнинг пулини тўламаганим учун менга суд томонидан чора кўрилиши мумкин. Лекин шартномани бажармаганлиги учун ширкатга нисбатан чора кўрадиган мард топилармикан?

Ismoil QOBILOV,
Buxoro viloyati Kogon shahri «Ipak yo`li» ko`chasi 12-uy 7 xonadon

● Javob

DA'VO ARIZASI KIRITILDI

Шўрчи туман прокуратураси томонидан фуқаро Дўсматов Исмоил ва бошқаларнинг Шўрчи мебел-қурилиш инженерлик хусусий компаниясидан иш ҳақларини ололмаётганлиги ҳақидаги аризаси текширилди.

Текширишда аризада кўрсатилган важлар тўлиқ тасдиқланиб, ишчиларнинг 1.006.900 сўмлик иш ҳақини ундириб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

I.MINGBOYEV,
Sho`rchi tuman prokurori

TA'MIRLANAYAPTI

Янгийўл шаҳар «Чуқурсой» кўчасида истиқомат қилувчи фуқароларнинг таҳририятга ёзган шикоят хати Тошкент вилоят «Дренаж» давлат унитар корхонаси ва шаҳар ҳокимлиги томонидан жойига чиқиб ўрганилди.

Н.Ниёзов маҳалласидаги А.Икромов, «Қатортол» ҳамда «Чуқурсой» кўчаларида жойлашган 80 га яқин хонадон ва ер участкаларидан 1985 йилдан буён ерости сувлари чиқа бошлаган. Ушбу участкалар 1965 йили фуқарога шахсий уй-жой қуриш учун ажратилган. Мазкур масала мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилганда ерости суви сизиб чиқишига «Жўн» канали қирғоқлари ўз вақтида бетонланмаганлиги сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Шаҳар ҳокимлиги ушбу ҳолатларни ўрганиб, бугунги кунгача 6 нафар фуқарога «Янгилик» даҳасидан 500 квадрат-метрдан ер ажратиб берилди.

Фуқароларнинг бир неча йиллик мурожаатларини инобатга олган ҳолда 2001 йилда вилоят дренаж корхонаси томонидан 1 та скважина фойдаланишга топширилган.

2002 йилда 2 та скважина тайёрланган, лекин уларга насос ўрнатилмаганлиги сабабли ишга туширилмаган. 2003 йилда эса маблағ танқислиги туфайли ишлар тўхтаб қолган. Горизонтал дренаж тўлиб қолганлиги, ёпиқ усулда ўтказилган қувурларни тозалаш имкони бўлмаганлиги ҳамда ишлаётган 1 та скважина бошқа кўчалардан келаётган сув оқовасини тўхтатиб қўйганлиги боис бугунги кунда муқаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, горизонтал дренажни таъмирлаш лойиҳасига буюртма берилган, бу ишларга вилоят ҳокимининг 103-фармойиши билан 2005 йил 24 августда 15 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунда ишлар жадал суръатда кетаяпти.

Қўшимча маблағ талаб қилганлиги боис барча ишларни якунлаш 2006 йилнинг 1-чорагига мўлжалланмоқда.

B.SAIDOV,
Toshkent viloyat hokimining o`rinbosari vazifasini vaqtincha bajaruvchi

QARORI BEKOR QILINDI

Фуқаро Абдуҳолиқ Қурбоновнинг ўғли Нурбекнинг электр токидан шикастланиб вафот этганлиги бўйича ўтказилган текшириш натижасидан норози бўлиб ёзган шикояти Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан текширилди. Аниқланишича, ушбу ҳолат бўйича Косон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Муҳаммадиев терговолди текшириши ўтказиб, ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этган.

Тўпланган ҳужжатлар вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, мазкур қарор бекор қилинди ва қўшимча текшириш ўтказиш учун Косон туман прокуратурасига юборилди.

F.SHAYMANOV,
Qashqadaryo viloyat prokurorining birinchi o`rinbosari

● Taklif

Doimiy muxlisingizman

«Huquq» газетасини доим кузатиб бораман. Тиббиёт институтида ўқишимга қарамай, ҳуқуқ соҳасига қизиқишим катта. Сизларда бериб борилаётган ҳуқуққа оид материалларни ўқиб, кўп нарсаларни билиб оламан. Назаримда ҳар бир ривожланган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти юқори даражада бўлиши керак. Шундай экан, таҳририят фаолияти бу жараёнда ўзига хос ўринга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. «Huquq» саҳифаларида бериб борилаётган суд очерклари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг амалиёти билан боғлиқ материаллар жуда қизиқарли. Газетангиз аралашуви билан фуқароларнинг ҳуқуқи тикланган ҳақидаги мақолалар, журналист суриштирувларини ўқиб нашрингизга бўлган ҳурматим янада ошиб бормоқда. Сиз олиб чиқаётган долзарб мавзулар ҳақидаги материалларни сўз эркинлиги принципига мисол қилиб кўрсатса арзийди.

Шу ўринда ўз таклифларимни ҳам билдирмоқчиман. Дам олиш, яъни саккизинчи саҳифангизда ҳуқуққа оид жумбоқлар ёки тест саволларини бериб борсангиз яхши бўларди. Сабаби кўпчиликда ҳуқуққа оид қўлланмалар йўқ. Агар тест саволлари бериб борилса, фуқароларимиз уларга жавоб бериш орқали кўп нарсаларни билиб олишарди.

Детектив ҳикояларни ҳам имкон қадар кўпроқ бериб борсангиз. Сабаби сизларда берилган деярли барча детектив ҳикоялар менда катта таассурот қолдирди.

Zafar ABDASHIMOV,
Toshkent davlat tibbiyot akademiyasi magistranti

● Aks-sado

«ASOSIY MASALA»NI O`QIB

Газетанинг ўтган сонида Илҳом ЗОЙИРнинг «Асосий масала» номли ҳажвиясини ўқиб, аввалига жўн ва ўта бўрттириб ёзилган деган ўй ўтди. Очиғи бироз дилим ҳам оғрийди. Салкам 40 йил ўқитувчилик қилганман. Бироқ, ўйлаб кўрсам ундай эмас экан. Ҳар қандай тўқимада ҳақиқат бўлгани каби бу ҳажвияга ҳам ҳақиқат асос қилингани табиий. Шу ўринда бир латифа эсимга тушди. (Буни мисол қилишим кулгилидир, аммо ўқитувчининг савиясидан келиб чиқиб, маъқул топдим). Бир театрда Шекспирнинг «Гамлет» асари намойиш этилибди. Казо-казо кишилар келишибди. Театр ниҳоясида барча актёрлар кўриниш бериб, қарсаклар чалинибди ва залдан «Авторни ҳам чақиринглар» деган овоз келибди. Ачинарли ҳол, албатта. Қолаверса, мактабларда, айниқса қишлоқ мактабларида фан ўқитувчиларининг етишмаслигидан ҳисобчилар ҳам дарс берган ҳоллар мавжуд. Натижада ўқитувчи Шариповга ўхшаганлар бўлмаслиги мумкинми? Вазият эса ҳажвда енгил ва бўрттирилган тарзда кулги остига олинган...

Шунингдек, бугунги кунда кўпчилик ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлаётган ва улар учун баъзан юкланаётган мактаб ва боғчаларнинг таъмири, яна бошқа сабаблар учун «ёрдам пули» сўралаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Ота-оналар фарзандлари учун бу каби оғирликни енгиб ўтадилар. Бориб-бориб бу табиий ҳолдек, урфга айланмаяптимикан? Бу каби одатларнинг мустаҳкамланиб боришида ота-оналар ҳам сабабчи эмасми? Қолаверса, ҳажвияда айтилганидек, «... Шунинг учун ҳар ким имкониятига қараб, тўрт-беш сўмдан...» дейилгани каби «ёрдам пуллари» имконият даражасидан келиб чиқиб берилаяптими?

Ҳажвнинг «асосий масала»си мана шуларда деб биламан. Сиз бунга нима дейсиз?

Mamasidiq SHARIFXO`JAYEV,
nafaqadagi o`qituvchi

● Gazetxon ilhomi

Sog`inch

Орзиқар дил ҳамиша,
Алдаб қўяди туйғу.
Асли қадрдон экан
Қадрингга етган қайғу.
Ҳали эрга тегмаган
Қизларга қолсин орзу.
Ўз ҳолимга ярашган
Тунимни соғиндим мен.

Гариб отам менгамас,
Кетмонига суянган.
Келин ололмай онам
Тахмонига суянган.
Кўнгил деганлар бари
Армонига суянган,
Армон бўлмас бир сўнгги
Йўлимни соғиндим мен.

Nosir JO`RAYEV,
Namangan viloyati

● Taklif

SHIKOYAT KUTIB YASHAMAYLIK

Жамиятимизда бўлиб турган воқеаларни кузатиб, баъзи муаммоларни бартараф қилиш лозим экан деган хулосага келаман.

Эътибор беринг, нега мутасадди идоралар ёки ўзимиз, журналист халқи, одамлардан шикоят тушсагина, чора излаб қоламиз? Бундан ташқари, журналист жамиятнинг фаол иштирокчиси, тараққиёт билан ҳамнафас бўлиши лозим дейилади. ОАВга жамият кўзгуси деб таъриф берилади. Жуда тўғри гап. Аммо журналистнинг ҳам оиласи, муаммолари борлигини унутмаслик керак. Нега журналист ўзининг шахсий муаммоларини кўтариб чиқмайди? Мен бу билан журналист халқи учун хизмат қилиши лозимлигини инкор этмаяпман. Журналист ўзини ҳам унутиб қўймасин демоқчиман, холос.

Журналистларнинг аксарияти давлат транспортида ишга қатнайди. Уйдан чиққан журналист бекатда автобус, маршрутли такси ва бошқа транспортларнинг келишини кутиб туради. Лекин шаҳарнинг ҳамма жойида ҳам транспорт яхши юрадими? Яна бир муаммо шуки, нега журналист биронта шифохонадаги муаммони кимларнингдир шикояти орқали текширади? Шунга ўхшаш муаммолар журналистнинг ўзида бўлиб турмайдими? Хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳар бир касбдошимнинг ўз сўзи, муаммоларни кўтариб чиқишга шижоати бўлсин.

Guli HOJIBOYEVA,
O`zMU jurnalistika fakultetining 1-kurs magistranti



Фуқароларнинг олдида масъулмиз

Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари Саидмурод Шерназаров билан суҳбат



— Саидмурод ака, маълумки, ҳар қандай қонун амалиётга муваффақиятли жорий қилинмас экан, қоғозда қолиб кетаверади. Энг аччиқ нарлиси, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва турли муассасаларнинг фаолиятини тартибга солишда кутилган натижага эришилмайди. Шундай шароитда прокуратуранинг қонун устуворлигини таъминлаш йўлида эришган қандай муваффақиятларини ва дуч келган муаммоларини ажратиб кўрсатиш мумкин?

— Аввало шуни эсга олиш керакки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ қонун устуворлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида эълон қилинган эди. Жумладан, конституциямизнинг 15-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Конституциямизнинг ўн уч йиллигини жиноят қонунчилиги либераллашган, ўлим жазосини бекор қилиш сари қадам ташланган, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилган, қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга берилиши эълон қилинган тарзда кутиб олаётганимизнинг ўзи ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар қилинганини кўрсатади.

Лекин тан олиш лозимки, бу даврда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдек жиддий муаммо кун тартибимиздан тушмади. Энг ачинарлиси, ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги жиноятчиликнинг ахволига ҳам таъсир этмай қолмади. Шуни назарда тутган ҳолда бу соҳада эришган ютуқларимизнинг энг каттаси бундан ўн беш йил олдинги кишиларимиз дунёқараши билан бугунги замондошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ борлигида деб ҳисоблайман. Бунда прокуратуранинг ҳам ўзига хос ўрни борлиги шубҳасиз. Шу ерда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалишига қандай омиллар таъсир этди деган савол туғилади. Биринчидан, ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишда фуқароларнинг амалий тажриба тўплаганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Масалан, кишилар кундалик турмушда кўп дуч келадиган меҳнат шартномаси, лицензия, мол-мулк, савдо, тендер каби кўплаб янги тушунчаларни аллақачон ўзлаштириб бўлишди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тарғибот ва ташвиқот тадбирларининг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди. Президентимизнинг «Конституцияни ўрганишни ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони шу мақсадга хизмат қилаяпти. Шу йўналишдаги тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида 2005 йилнинг ўтган даврида Жиззах вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан 1700 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, матбуотда чиқишлар қилинди. Прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар томонидан қонунчиликни мустаҳкамлашга принципиал ёндашилганлиги ҳам мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, прокуратура олдига қўйилган конституцион вазифаларни муваффақиятли бажариб келаётир.

— Жиззах вилоят прокуратураси томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Айрим фуқароларнинг шахсий манфаатига бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол этган ҳолда эришмоқчи бўлишига ачинмасдан қараб бўлмайди. Умумий тараққиётимизга гов бўлаётган бундай қонунбузилишлар кўпинча қасддан содир этилиши ундан ҳам афсусланарлидир. Масалан, Жиззах туманидаги «Sadaf-kor» фирмаси раҳбари Р.Ҳошимов ўтган йили ўз ишчиларига тарқатилган 10 млн. 979 минг сўмлик иш ҳақи учун тўлаши лозим бўлган 3 млн. 133 минг сўмлик даромад солиғини тўламаган.

Ғаллаорол туман солиқ инспекцияси катта инспектори Р.Худойқулов шу йилнинг 11 май куни текшириш ҳужжатларига ўзгартириш киритишга ваъда бериб, тадбиркор З.Ўрозбоевдан 50 минг сўм пора олган. Прокуратура аралашуви билан унга тегишли жазо берилди. Бошқа бир ҳолатда Жиззах тумани ҳокимининг 2005 йил 3 мартдаги 376-қарори билан «Комилова Бахти» фермер хўжалигига ажратилган ер ижара шартномаси бекор қилинмаган бўлса-да, ноқонуний равишда «Саттор ота» фермер хўжалигига бериб юборилган.

— Саидмурод ака, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга кейинги вақтда катта эътибор берилаяпти. Вилоятда бу борада аҳвол қандай?

— Конституциянинг 53-моддасига биноан иқтисодий фаолият кўрсатиш ва тадбиркорлик давлат томонидан кафолатланади. Тадбиркорларнинг манфаатига қилинган ҳар қандай тажовуз қонуний баҳосини олиши шарт. Бу йўналишда олиб бораётган ишларимизга мисоллар кўп. Жумладан, «Тадбиркорбанк»нинг Арнасой туман бўлими мансабдорлари имзоларни қалбакилаштириш йўли билан «Сайёд» фермер хўжалигига тегишли 400 минг сўмни ўзлаштириб юборишган. «Халқ банки»нинг Зарбдор туман бўлими бошқарувчиси И.Ўсаров «Азиз Фаррух» фермер хўжалигига ажратилган 3 млн. 725 минг сўм имтиёзли кредитни ўзининг «Равот Ўроқли» хўжалигига ўтказиб юборган. Ҳар икки ҳолат бўйича қонуний чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш вазифасига устувор аҳамият бермоқда.

«Huquq» мухбири
Абдураҳмон МУСТАФОКУЛОВ
суҳбатлашди

СУВЕРЕН ДАВЛАТ АСОСИ

Демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган миллий конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон суверен демократик давлатдир. У ўз моҳиятига кўра, халқ манфаатини ифодалайди, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқини кафолатлайди. Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Бундан ташқари, Асосий қонунимизнинг 16-моддасида таъкидланганидек, мазкур конституциянинг биронта қоидаси Ўзбекистоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин қилиниши, биронта ҳам қонун ёки норматив ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Мазкур ҳолат бўйича амалдаги қонунлар ва ижро ҳокимияти ҳужжатларининг конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни Ўзбекистон Конституциявий суди кўради.

Бинобарин, конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги, барча фуқаролар ва мансабдор шахслар учун бажарилиши мажбурийлиги жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Музаффар ТЎХТАСИНОВ,
ТДЮИ магистранти

Жамият бор экан, жиноят ва жазо мавзуси эскирмайди. Хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни сақлаб қолиш масаласи ҳуқуқ соҳасидаги энг қизғин баҳс мавзуси бўлиб қолаверади.

Бу жазонинг кўпланиши тарафдорлари ҳам, бунга қарши бўлганлар ҳам ўз карашларининг тўғрилиги ҳақида хоҳлаганча далил келтира оладилар. Шунга қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатлари бу турдаги жазодан воз кечмоқда. Ваҳоланки, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид тамойилларида ҳам ўлим жазосининг қўлланилиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга зид деб топилмайди. Нима учун аксарият мамлакатлар бу жазони бекор қилишни маъқул кўрмоқда? Мухбиримизнинг Чилонзор туман прокурори Ҳолмирза ҚЎЛДОШЕВ билан қилган суҳбатида шу хусусдаги мулоҳазалар ўртага ташланди.

ЖИНОЯТ, ЖАЗО ВА АДОЛАТ

— Маълумки, Президентимизнинг шу йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонига биноан 2008 йилдан эътиборан мамлакатимизнинг жазо қонунчилигидан ўлим жазоси олиб ташланади. Бу билан Ўзбекистон ҳам жазо амалиётидан ўлим жазоси чиқариб ташланган давлатлар сафига қўшилмоқда.

Ҳолмирза ака, суҳбатимизни мазкур фармоннинг мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотларга қўшадиган ҳиссаси ҳақидаги фикрингиз билан бошласак.

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Олий Мажлис палаталарининг илк қўшма мажлисида Президентимиз суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан боғлиқ ўта муҳим масала — жазо қонунчилигидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ҳақидаги фикрни ўртага ташлаган эди. Кўп ўтмай Юртбошимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармонининг эълон қилиниши соҳадаги ислоҳотларнинг янги даври бошланганидан далолат берди.

Ўлим жазосининг ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазоси белгиланиши жамият манфаатларига мос келади. Инсонни, у қандай жиноят содир этганидан қатъи назар, яшаш ҳуқуқидан маҳрум этмасдан, жазо чорасини қўллаш мамлакатдаги қонунларнинг инсонпарварлигидан далолат деб ҳисоблаш мумкин.

— Статистик маълумотларда келтирилишича, ҳозирги вақтга келиб 85 давлатда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган, 11 давлатда истисно тариқасида, 24 давлатда эса амалда қўлланмайди, яъни қонунчилигида мавжуд бўлса-да, сўнгги ўн йилликлар ичида ўлим жазоси қўлланмаган. БМТ ва ЕХҲТ томонидан ўлим жазосини бекор қилиш талаби қўйилмаган бўлсада, йил сайин бундай давлатлар сони ортиб бораётганига сабаб нима?

— Аввало шуни айтиш керакки, муайян турдаги жазони жорий этиш ёки бекор қилиш масаласини ҳар бир давлат ўзи ҳал қилади. Моҳиятан олиб қараганда, давлат ўлим жазосини қўллаш ҳуқуқига эгалигини қай тарзда асослашидан қатъи назар, бу жазонинг қўлланиши инсонни жисмонан йўқ қилиш ҳуқуқининг давлат томонидан мутлақ ўзлаштирилишини англатади. Бу нарса жамият аъзоларига «зиддиятларнинг ечими — қатл» қабилидаги тушунчани сингдириб қўйиши ҳам мумкин экан. Бу масаланинг ахлоқий жиҳати.

Ўта шафқатсизлик билан қотиллик жиноятини содир этган кишига ўлимдан муносиброқ жазо йўқ. Бу бир қарашда адолатли ёндашувдай туюлади. Лекин бундай қараш «қонга қон, жонга жон» қоидаси каби ибтидоий тушунча эмасми?

— Ўлим жазосининг бекор қилиниши жамиятда жиноятчиликнинг ортишига сабаб бўлади ёки ўлим жазосининг қўлланиши оғир турдаги жиноятларнинг камроқ содир этилишига кафолатдир қабилидаги қарашларга муносабатингиз?

— Бу саволга жавобни узоқдан қидирмай, собиқ совет республикаларидан бири мисолида кўриб чиқа қоламиз. Литвада ўлим жазоси 1996 йилдаёқ бекор қилинган бўлиб, шундан сўнг мамлакатда аввалги даврларга нисбатан қотиллик жинояти содир этилиши камайган.

— Жабрланувчилар — ваҳший-лик қурбони бўлган инсоннинг яқинлари-чи? Уларнинг кўнгли қандай таскин топсин? Мен бир жиноят ишидан хабардорман. Фарзандларининг кўз ўнгида хотинини болта билан чопиб ташлаган отага судда ўз болалари ўлим жазоси берилишини сўраган...

—Қотилнинг қатл этилиши жабрдийдаларнинг кўнглига таскин беради деган қараш тўғримикан? Қасос ёвузликни йўқ қилмайди, уни урчитади деган гап бор. Қолаверса, умрбод қамоқ жазосини ҳам енгил жазо деб бўлмайди.

Биз одатда ўлим жазоси ҳақида гапирганимизда кўпроқ жиноят қурбони ҳақида ўйлаймиз. Бу табиий. Жиноят қурбонининг ҳуқуқлари айбланувчининг ҳуқуқларидан устун. Лекин оғир жиноят содир этган инсон ҳам муайян жамият аъзоси-ку. Демак, энг аввал жиноятнинг илдизига эътибор қаратиш керак.

— Лекин ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида катта шов-шувга сабаб бўлган Чикатило воқеасини эслайлик. Ундайларнинг бир нафас ҳам яшашга ҳаққи йўқ, тўғримі?

— Саволингизга сиз айтаётган Чикатило воқеаси мисолида жавоб берсам. Андрей Чикатило қўлга тушиб, кўплаб вахшиёна қотилликлар содир этганини тан олгунча ва бу судда исботини топгунга қадар Александр Кравченко деган йигит Чикатило содир этган серияли қотилликларни «бўйнига олиб» отилиб кетган эди...

— Яна бир ёндашув борки, таъбир жоиз бўлса, уни масаланинг иқтисодий жиҳати деб оламиз. Дейлик, умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилган жиноятчи умрининг охирига қадар, содда қилиб айтганда, солиқ тўловчилар ҳисобига яшайдилар...

— Одатда жазо ҳақида гапирилганда жиноятчини шахс сифатида тушунишни унутиб қўйиламиз. Маҳкум ҳам, худди узоқ йиллар солиқ тўлаб меҳнат қилган, нафақага чиқиб пенсия билан таъминланган инсонлар каби жамият аъзоси. Қолаверса, узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосини ўтаётган маҳбус ҳам жазо ўташ давомида меҳнат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон олий қадрият саналган жамиятга хос хусусиятлар сирасига киради. Зеро, адолат жазонинг қаттиққўллигида эмас, жазонинг муқаррарлигидадир.

«Huquq» мухбири
Шавкат ЁДГОРОВ суҳбатлашди

JURNALIST SURISHTIRUVI

Бирники мингга...

Қудрат Эшонқулов Қарши туманининг Қоратепа қишлоғида яшайди. Нафақага чиққан, 37 минг сўм пенсия олади. Жўжабирдай жон, ўзи, аёли, тўрт ўғли ва бир қизи шу пулга кўз тикиб ўтиришади. Нолимайди, аёли Қарши шаҳридаги касалхоналардан бирида фаррош бўлиб ишлайди. Ўз оғирини кўтариб юрибди. Аммо тўрт ўғли мактабни битирди. Ҳеч қаерда ишламайди. Иккитасини дурадгорга шогирдликка берганди, эплай олмади. Яна уйда, иш буюрса қимирлайди, бўлмаса йўқ. Рўзғор юмушлари қизининг зиммасида.

Хуллас, умр ўтаяпти. Бир куни пенсия олишга борганди, Исмоил почтачи электр энергияси учун пул ушлаб қолди. Қўлига тўловни тасдиқловчи ҳужжат берган бўлса-да, пенсиянинг чўғи камайгани аламқилди. Уйига келиб, қизига қоғоз-қалам олиб чиқишни буюрди. Ва бу соҳадаги қонунбузарликлар тўғрисида таҳририятга мактуб йўллади.

Ушбу хатнинг дастлабки сатрларини кўздан кечирар эканман, ўзим шоҳиди бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

Иш кунларининг бири. Шошиб тургандим, болалар уч-тўрт киши сўраётганини айтишди. Гапнинг рости, бемаврид ташриф малол келса-да, ноилож ташқарига чиқдим. Йўл-йўлакай тўғрисўз ўғлимни койиб ҳам қўйдим.

Дарвоза ёнида бир эркак, уч аёл кутиб туришарди. Аёлларнинг бири маҳалла қўмитаси вакили, иккинчиси суд идорасидан, учинчиси электр тармоқлари идорасининг назоратчиси ва тўртинчи киши газ таъминоти идорасидан.

Газчи ҳисоблагичдаги рақамларни темир дафтарга туширди. Навбат сув идорасининг вакилига келганда у шундай таклиф билдирди:

— Опа, атрофдаги хонадонларнинг ҳаммаси фақат шу водопроводдан фойдаланишар экан. Сиз бир йиллик тўловни тўлагансиз. Аммо кўни-қўшнилар бизнинг водопроводга сув чиқмайди деб баҳона қилишаяпти. Келинг, битта «водомер» ўрнатайлик. Ана ундан кейин ўзим биламан нима қилишни, мелисани олиб келиб, эшикма-эшик юриб бўлса ҳам оламан сувнинг пулини.

Буёғи қандоқ бўлди? Сув ўлчагич менинг номимга расмийлаштирилгандан кейин ҳисоблагич кўрсатган пулни яна мен тўлашимга тўғри келмайдими? Ғалати таклиф бўлди-ю. Унда сув келтирган хор, кўза синдирган азиз бўлмасмикан?

Хуллас, «сувчи» таклифи ёқмаганини авзоимдан сезди шекилли, ўзини чеккароққа олди.

Гап навбати электр назоратчисига етганда, ростакамига жиғибийроним чиқди. Бийронгина назоратчи фалон сўмлик қарзни гарданимга илдирди. «Тўлов қоғозларингизни олиб чиқинг, ҳаммасини сверка қиламиз. Ўшанда ҳам мана шунча сўм қарздор бўлиб қоласиз. Ҳозирча бир қисмини тўласангиз ҳам майли. Камини секин-аста узаверасиз». Ахир мен...

Қудрат Эшонқуловнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатидан:

«Нима учун фойдаланилмаган энергияга пул тўлашим керак? Энг қизиғи шуки, мен тўлаб келаётган пул билан (кейинги 3 йиллик маълумотларга кўра) тўлов дафтарчасида қайд этилган рақам ва саналар орасида узилиш йўғ-у, аммо қарздор бўлиб турибман.

Ўшанда сизнинг олдингизда ўша мутахассис (Қарши туман электр тармоқлари идораси вакили) менга туҳмат қилди, яъни 2004 йил 11 ой санаси кўрсаткичини бир йилда 2 ой учун 1500 сўм тўлабсан деб худонинг номи билан қасам ичди. Уйга келиб ҳисоблаб кўрсам, 250 квт.дан кўп экан. 2005 йил 27 август куни мутахассислар уйимга келиб текширув ўтказишди. Ҳеч қандай камчилик топа олишмади. Яна ўша эски гап: пломба йўқ, электр ҳисоблагич лабораторияга текширувидан ўтмаган, талабга жавоб бермайди деб далолатнома тузишди. Мен қўл қўйишни истамадим. Камчилик бўлмаса ҳам далолатнома тузишга нима ҳақи бор?»



Ваҳоланки, Қарши туман электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи Фарҳод Муқимовнинг эътироф этишича, «Қудрат Эшонқуловнинг хонадонига ўрнатилган электр ҳисоблагич давлат лабораторияси синовидан ўтказилмаганлиги ва ҳисоблаш даражаси нотўғри бўлганлиги сабабли ҳисоблагич кўрсаткичи инобатга олинмаган. Шу туфайли қарздорлик ошиб кетмаслиги учун ҳар ойда ўртача 100-150 квт/соат электр пулини тўлаб бориш талаб қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 271-қарори билан тасдиқланган қоидаларга биноан электр ҳисоблагичлар ҳар 4 йилда бир марта лабораторияси синовидан ўтказиб турилиши шарт. Акс ҳолда электр энергия ўрнатилган қувватда ҳисоб-китоб қилинади».

Шунингдек, Фуқаролик кодекси ҳамда «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда ҳам тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш асносида фуқароларнинг мулкдор сифатидаги масъулият ва бурчлари аниқ белгиланган. Уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари ҳимояга олинган. Хусусан, президентимизнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги муҳим ҳужжатдир.

Таассуфки, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича номақбул ҳолат ҳамон сақланиб қолмоқда. Энергия учун тўлов бўйича қарзларнинг кўпайиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини нотўғри акс эттириш, электр ва иссиқлик энергияси бериш тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари ҳам мавжуд.


Шикоятда қайд этилган камчиликларни ўрганиш юзасидан туман электр тармоқлари аҳоли билан ишлаш бўлимининг техниги Акбар Маматов ва тармоқнинг Қоратепа бўлими назоратчиси Саидхон Муқимов билан биргаликда Қудрат Эшонқуловнинг хонадонида бўлдик. Салом-алик ва ташриф сабабини билдирганимиздан сўнг назоратчи яқинда лаборатория кўригидан ўтказилган электр ҳисоблагичда кўрсатилган рақамларни тўлов дафтарчасига қайд қилди.

Жорий йилнинг август ойи охирида ўрнатилган электр ҳисоблагич сўнгги икки ой мобайнида 57 квт/соат электр энергияси сарф бўлганини кўрсатиб турарди.

— Қуруқ пенсияга кун кўраман. Болалар ҳеч қаерда ишламайди. Шундай бўлгандан кейин албатта ҳар бир сўмни тежашга ҳаракат қиламан. Битта лампочка ёнади, онда-сонда электр плиткада овқат қилинади. Бошқа пайти газ плитадан ёки ўчоқдан фойдаланамиз. Телевизор кўриш учун болаларга бир соат рухсат бераман. Аммо хоҳлайманми-йўқми 100-150 квт/соат электр энергияси учун пенсиямдан ушлаб қолишади. Адолат борми ўзи? — деди Қудрат ака босиқлик билан.

Албатта, адолат бор. Адолат ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя билишда деган эди донишмандлардан бири. Ҳақ гап. Тизимдаги қоидаларга кўра ҳар бир фуқаро зиммасидаги электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаши, хонадонидаги электр ҳисоблагичининг сақланиши ва бутлигини таъминлаш чораларини кўриши керак. Хусусан, истеъмолчи тўлов бланкасини мустақил тўлдириб, ҳисоб-китоб дафтарчасида кўрсатилган қоидаларга риоя қилиши шарт. Шу мақсадда жорий йилнинг бошидан коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш барча тижорат банклари бўлимлари орқали чекловларсиз амалга ошириб келинмоқда. Аммо биз истеъмолчилар амалдаги қонунларда белгиланган бурч ва мажбуриятларни қай даражада ҳис қилаяпмиз?

Қудрат Эшонқуловнинг аризаси баҳона Қоратепа қишлоғида бўлганимда кўнгилдан ана шундай фикрлар кечди. Дилимизда яшайдиган бир қонуният бор. У виждон деб аталади. Бу туйғу ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, гап-сўзимизда, ташқи кўринишимизда акс этиб туради. Ноўрин ҳаракатни бошқалардан яширган билан ўз виждонингдан, қолаверса, яратгандан яширишнинг имкони йўқ. Тўғри, фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб, пулини ўз вақтида тўлайдиган истеъмолчилар кам эмас. Шу куни уруш қатнашчиси Тиниқ Жўраеванинг хонадонида ҳам бўлдик. Ўшанда Тиниқ опа туман электр тармоқлари корхонасига ариза билан мурожаат қилиб, электр ҳисоблагични лаборатория кўригидан ўтказиш учун олиб кетган назоратчидан ҳамон дарак йўқлигини билдирган эди.



Тиниқ опа элга хизмати сингган аёл. Ўтган ўн етти ой мобайнида электр ҳисоблагичсиз фойдаланилган электр энергияси учун тўлов билдиришномасида қайд қилинган рақамларга эътироз билдирмади.

Шу қишлоқлик Шойим Апалов ҳам яхши ният билан тадбиркорликка қўл урган экан. Тегирмонга қишлоқнинг нариги маҳаллаларидан ҳам одамлар кела бошлаган, ҳамма хурсанд. Янги тегирмонда тортилган буғдой унининг сифати бошқача-да. Аммо иш бошлаганига бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам электр ҳисоблагичнинг ўрнатилмаганлиги кўнгилни ранжитиши табиий ҳол.

Дилимдаги гапларни сезди чамамда, ҳамроҳим — туман электр тармоқлари корхонасининг техник-назоратчиси Акбар Маматов мулоҳазаларини шундай баён қилди:

— Табиатимизга сингган ғалати қусур бор. Бундай иллат кўпчиликда учрайди. Фуқароларнинг тўлов интизомига риоя этмаслиги бор гап. Тўғри, коммунал хизматлар талаб даражасида эмас. Лекин бор имкониятга нисбатан ҳурмат, масъулият билан ёндашишни унутиб қўймаяпмизми? «Чўли ота» номли жамоа хўжалигида яшовчи кекса муаллимнинг хонадонида бўлдим. У шу йилнинг июн ойида электр ҳисоблагични давлат стандартидан ўтказган эди. Ҳисоблагич 60 кун ичида бор-йўғи 58 квт/соатни қайд қилган. Албатта бу рақам ақлга сиғмайди. Атрофни кўздан кечирдим. Электр ҳисоблагични четлаб ўтган тармоқ йўқ. Барибир ишонмадим. Хонага ёруғлик яхшироқ тушсин, электр қувватидан ноқонуний фойдаланаётганини аниқлаган назоратчи далолатнома тузиб, тармоқни устидан узиб қўйишга чоғланади. Шунда уй соҳиби, пенсияга чиққан муаллим аёл монтёр йигитни юмдалаб, кўйлагини йиртди. Велосипедини олиб бир неча кун уйига қамаб қўйди. Охири фуқаролар йиғинининг раиси билан биргаликда ялиниб-ёлворибйигитнинг велосипедини қайтариб олиб бердик.

Хуллас, шунақа гаплар, биз катталар ўша отахон ёки кекса муаллим сингари атрофдагиларга «ибрат» кўрсатаверсак, бошқалардан, қолаверса фарзандларимиздан нима кутамиз? Ахир бирники мингга, мингники туманга...

Ҳақ гап. Мутахассисларнинг айтишича, битта ёритгич ишлаши учун 60 тонна кўмир сарф бўлар экан. Қолаверса, 1960 йилларда ўрнатилган электр ҳисоблагичлар хизмат муддатини ўтаб бўлган. Эски қурилмалардан ҳамон фойдаланиб келинмоқда. Аччиқ бўлса-да эътироф этиш керак, табиатимизга сингган тўлов интизомига риоя қилишдаги қинғир усуллардан халос бўла олганимиз йўқ. Ўз-ўзидан тизимдаги муаммолар ҳам кун сайин катталашаяпти. Узоқ масофадан туриб бошқариладиган, фойдаланилган қувватни аниқ ҳисоб-китоб қиладиган электрон ҳисоблагичларга ўрин беришнинг фурсати етди.

Хуллас, ислоҳотлар ҳамма соҳада, ҳар бир истеъмолчидан қатъиятни, масъулиятни, интизомни талаб этади. Муддао шуки, ҳар биримиз зиммамиздаги ҳуқуқ ва бурчимизни теран англашимиз, хатти-ҳаракатларимизни виждон деб аталмиш қонун нуқтаи назаридан баҳолашимиз зарур.

Шундагина ортиқча асаббузарлик ва қонунбузарликларга ўрин қолмайди.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
журналист

MARDLAR QO`RIQLAYDI VATANNI

1992 йил 8 декабр
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
13

52-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Миллий армия равнақи йўлида

Халқимиз азалдан зулм ва разолатга қарши матонат билан курашиб келган. Ватан ҳимоясига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралган. Шу боис оилада ўғил бола туғилиши ўзбек хонадони учун фахр ва ифтихорга айланган. «Ўғлим бор, элга қўшилдим, юрт бошига иш тушса, бир четда қолмайман», — дея ғурурланадилар. Бугунги кунда ҳам ўғил ўстираётган оилалар фарзандларини ҳарбий хизматга юборишдан ғурур туюшади. Жамоатчи муҳбиримизнинг Жанубий-ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокурори Анвар Кенжаев билан суҳбати ҳарбий хизмат ва унинг нуфузи хусусида бўлди.



— Анвар ака, кейинги йилларда юртимизда ҳарбий соҳага ва миллий армиямизнинг равнақ топишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу ҳақда қабул қилинаётган қарорларга тўхталсангиз.

— Кейинги йилларда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар туфайли бу соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Йигитларимиз орасида ҳарбий хизматга бориш ва бу соҳани ҳаётининг мазмунига айлантириш ифтихор даражасига кўтарилди. Бунинг боиси ҳарбийларимизга яратилаётган шароит ва имтиёзларнинг кенгайиб бораётганлигидир.

Яқиндагина президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб офицерлар ва шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг меҳнати учун янги устама ҳақ миқдорлари белгиланди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийларнинг маошлари 20 фоиз, ҳарбий хизматдан бўшатиладиган чоғда бериладиган нафақа миқдори 100 фоиз оширилди.

Кейинроқ ҳам бу масала ҳукуматимизнинг эътиборидан четда қолмади. Президентимизнинг 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам фуқаролар ўртасида армиямизнинг нуфузи янада ошишига олиб келади. Бу қарор ҳарбий қисмлардагина эмас, балки ҳар бир хонадонда кўтаринки руҳда кутиб олинди. Чунки унда аскарларнинг нафақат армия давридаги фаолияти, балки эртанги куни, тақдири учун ҳам ғамхўрлик қилинган. Қарорнинг 1-бандида: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгилансин», — дейилган. Бу олий ўқув юртларида ўқиш истагида бўлган ёшлар учун катта имкониятдир. Ушбу имтиёздан қисм қўмондонининг тавсияномасига эга бўлганлар фойдаланади. Бу имтиёз республикамиздаги барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилади. Қарорга кўра, танлов даврида керакли баллни тўплай олмаган, бироқ тавсияномага эга ёшлар ўқишни педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиш бўйича олий таълим муассасаларига шартнома асосида қабул қилинади. Қарорнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар учун яна бир афзал томони шундаки, шартнома асосида ўқишга кирган ёшлар ўқиш даврида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ишида фаол қатнашишса, «Камолот» шартнома суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тарзида ўтказиб беради.

— Албатта, юрт ҳимояси ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи. Ватанпарварлик ҳеч қандай имтиёз, таъма талаб қилмайдиган туйғу. Шу армияда хизмат қилиш истагидаги ёшлар кескин кўпаймоқда. Ушбу қарорда белгиланган имтиёзлар уларнинг сонини янада ошириши шубҳасиз...

— Ҳа, юқорида айтиб ўтилганидек, юртимизнинг ҳар бир хонадонида Ватан ҳимоясига шай йигитлар камол топмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш эндиликда чақирув комиссиялари зиммасига ҳам янада катта масъулият юклайди. Қарорда муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларни тест синови ва танлов асосида саралашда чақирилувчиларнинг соғлиғи ва интеллектуал савиясига холис баҳо берилиши, сара ёшлар орасидан энг сара, баркамол йигитлар танлаб олиниши лозимлиги қайд этилган.

— Муддатли ҳарбий хизмат жараёнида аскар танлаган йўналиши бўйича изланиши, ўқиб-ўрганиши керак бўлади. Қарорга кўра, бу борада ҳарбий қисмларда уларга қандай кўмак берилади?

— Мазкур қарорга биноан эндиликда ҳарбий қисмларнинг кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Қарорда ҳарбий хизматчиларнинг танлаган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ҳарбий қисмлар раҳбариятига муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларни самарали тарзда касбга йўналтириш, хизматни ўташ даврида ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини эгаллашига, мустақил қаётга тайёрлашга қаратилган шарт-шароитларни яратиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида армияда хизмат қилган абитурентлар учун бепул тайёрлов курслари тармоғини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Президентимизнинг ушбу қарори муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ўртасида керакли тавсияномани олиш учун хизмат жараёнида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатишга интилишни кучайтириши турган гап. Шу боис округ ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам қарор ижросини таъминланиши назоратга олиниб, ҳарбий қисмларда тарғибот ишлари йўлга қўйилди. Қисм қўмондонлиги томонидан берилаётган тавсияларнинг холислигига алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Ушбу қарор аскарларнинг ўз устида тинимсиз ишлашига, интеллектуал салоҳиятини ўстиришига ва хизмати муносиб баҳоланишига омил бўлиши шубҳасиз.

Журналист Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди

VAZIYAT

Тожикистон алюминий заводи 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, технологияси кучли куйдирилган анодлар билан ишлайдиган электролизерлар ёрдамида йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Асосий чиқараётган чиқиндилари водород фториди, юкори олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди ва бошқалар. Завод атрофидаги худудларда экологик ҳолатнинг бузилиши асосан 1980 йилдан бошланган бўлиб, янги электролизерларнинг ўзлаштирилиши ва кувватнинг оширилиши натижасида атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли чиқиндиларнинг ошишига олиб келган. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли чиқиндиларнинг кўпайиб кетиши аҳоли саломатлигининг ёмонлашиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги, ипакчилик ва чорвачилик маҳсулдорлигининг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, Сариосиё ва Узун туманларига кўрсатаётган салбий таъсири оқибатида мазкур туманлар аҳолиси орасида касалликларнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.



Экологик бўҳрон

Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари бўйича тузилган дастурга асосан Тожикистон томони Узун, Сариосиё туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосида водород фторид қолдиғига, азот 2 оксиди, олтингугурт ангидридига биргаликда намуна олиб, текшириш ишлари ўтказилиши лозим эди. Лекин бугунгача ҳеч қандай амалий иш қилинмаган.

Оқибатда Узун туманида флюроз тиш касаллигининг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Флюроз эндемик характердаги тиш қаттиқ тўқималарининг, она қорнидаги ҳомила тиш куртакларининг зарарланиши билан кузатиладиган касалликдир. Бу касалдик асосан сув, ҳаво ва тупроқ таркибида фтор бирикмасининг кўпайиши натижасида авж олиши исботланган.

Сариосиё ва Узун туман аҳолисида 1996 йилда 491 та (ҳар 1000 кишига), 1997 йилда 580 та, 2004 йилда 1285 та флюроз касаллиги аниқланган. 2005 йилнинг 6 ойида эса кўрсаткич 3361 тани ташкил этган.

Республика эндокринология илмий текшириш институти олимлари томонидан 1991 йилдан буён алюминий заводи чиқараётган чиқиндиларнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири ўрганилиб, чиқиндилар таркибида фтор қолдиғи кўплиги аниқланган. Бўқоқ касаллиги ортиб бораётгани кузатилган.

Алюминий чиқиндилари таъсир этаётган ҳудудларда 1991-1998 йилларда қалқонсимон без касаллиги билан 1737 та бемор рўйхатга олинган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 38.989 тага кўпайган. II-III даражали эндимик бўқоқ касаллиги Узун ва Сариосиё туманларида 2001 йилда 44.825 та рўйхатга олинган бўлса, 2005 йилнинг 6 ойида 20.407 тани ташкил қилган.

Туманда бўқоқ билан касалланганлар 40724 нафар бўлиб, 32,5 фоизни, болалар орасида эса 47,5 фоизни ташкил қилади.

Алюминий заводи, айниқса туғиш ёшидаги хотин-қизларга таъсир этаётганлиги сабабли улар орасида экстрогенитал касалликларнинг ошиши кузатилмоқда. Жумладан, 2004 йил якуни бўйича, Узун туманидаги 30.394 туғиш ёшидаги хотин-қизлардан 72,2 фоизи, яъни 21.968 нафарида турли хил экстрогенитал касалликлар аниқланган.

Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган чиқиндиларнинг ҳавога тарқалиши нафас йўллари орқали бола организмига салбий таъсир кўрсатиш натижасида 16 ёшгача бўлган болалар орасида асаб-руҳий касалликлари сони 2000 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпайган. Масалан, 2000 йилда асаб-руҳий касалликлари бўйича Узун туманида 215 нафар ногирон болалар ҳисобда турган бўлса, 2005 йилнинг августига келиб 160 тага кўпайгани қайд қилинган.

Фтор биоген микроэлементининг ортиб кетиши натижасида организмдаги калций миқдори камаяди. Суяк системасида паталогик ўзгаришларга (остеосклероз), бўғинларнинг қотиб қолишига ва модда алмашинувининг бузилиши натижасида 16 ёшгача бўлган болалар орасида таянч-ҳаракат тизимидаги касалликлардан ногиронлик сезиларли даражада кўпайганлигини қайд этиш жоиз.

Фтор моддасининг суяк тўқимасига салбий таъсири оқибатида тишларнинг тушиб кетиши ва овқат моддаларининг тўлиқ майдаланмасдан ҳазм системасига ўтиши натижасида ичак орқали сўрилган фтор моддаси қонда темир моддасини бириктириб темир фторни ҳосил қилади. Бу эса суякда гемоглабин ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Натижада организмда темир танқислиги, камқонлик вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, алюмин заводи чиқиндиларидаги водород, фтор ва бошқа зарарли химикатлар туманда экологик ҳолатни бузиб, аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш ва бартараф қилиш ҳудудда экологик вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Э.ТЎРАЕВ,
Узун туман прокурори

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: huquq@mail.ru

«HUQUQ» maslahatlari

133-26-62

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

KIM HAQ?

Мен 2001 йилнинг апрелида хусусий қурилиш фирмасига экспедитор сифатида ишга кирган эдим. Дастлаб ишларимиз яхши кетаётган эди. Лекин 2004 йилга келиб буюртмалар кескин камайганлиги учун фирмада штатлар қисқарди. Шундан сўнг қолган ходимлар билан фақат бир йилга шартнома тузилди. Яқинда фирма раҳбари билан бир масалада тортишиб қолдим. Шунда у шартномангиз муддати аллақачон тугаган, шунинг учун сиз билан истаган вақтда муносабатни тугатишимиз мумкин деди. Айтинг-чи, у шундай қилишга ҳақлими?

L.DAVLATOV,
Toshkent shahri Sobir Rahimov tumani

Меҳнат кодексининг 105-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилиниши лозим. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Лекин бу меҳнат шартномасини кейинчалик бекор қилиб бўлмаслигини билдирмайди. Чунки бундай ҳолларда меҳнат шартномасини МКнинг 99-моддасида кўрсатилган тартибга мувофиқ бекор қилиш мумкин. Яъни:

— тарафларнинг келишувига кўра. Бу асосга кўра меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

— тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

— тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра.

JAZODAN OZOD QILINADIMI?

Озодликдан маҳрум этилган шахс жазони ижро этиш вақтида оғир касалликка чалинса жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкинми?

S.JABBOROV,
Kogon tumani

Жазони ижро этишда касалликка чалинган маҳкумни жазони ўташдан озод этиш аввало касалликнинг оғирлигига, уни даволаш имкониятига боғлиқ. Агар бундай шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод этилиши мумкин. Бундай ҳолларда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ тариқасидаги жазодан касаллиги туфайли озод этиш тўғрисидаги тақдимнома судга Ички ишлар вазирлигининг махсус тиббий комиссияси хулосаси асосида киритилади.

ORDEN IMTIYOZ BERADIMI?

Кейинги йиллар давомида коммунал хизмат ҳақларининг кескин ошиши оқибатида уни тўлаш бироз қийин бўлиб қолди. Менинг отам республикамиз ҳукумати томонидан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Бу медал коммунал хизматлар ҳақини тўлашда бирон-бир имтиёз берадими? Қайси орден-медаллар соҳибига имтиёзлар бор?

E.ZAFAROV,
Yangiyo`l shahri

2003 йилнинг 1 апрелидан мамлакат Президентининг фармонига кўра уй-жой коммунал хизмат ҳақларини тўлаш бўйича белгиланган имтиёзлар ўрнига пулли компенсация жорий этилгач, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, Социалистик меҳнат қаҳрамонлари, шунингдек «Шуҳрат» медалининг учала даражаси билан мукофотланган шахсларга мазкур компенсацияни олиш ҳуқуқи берилган.

Бу тоифадаги шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида компенсация тўланади.

IMTIYOZGA EGAMANMI?

Мен ҳарбий хизмат даврида Чернобил фалокатини бартараф этишда қатнашганман. Иш жойимдан маошимни ушланмарсиз тўлиқ олишим учун нима қилишим керак ва бунда нимага асосланса бўлади?

Ишхона маъмуриятининг солиқ идорасидан солиқларни тўлашдан озод этилганлигим тўғрисида маълумотнома олиб келишимни талаб қилишлари тўғрими?

Яна қандай солиқлардан озод бўлиш имтиёзига эгаман?

B.SIROJIDDINOV,
Oltinsoy tumani

Солиқ кодексининг 59-моддасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинадиган шахслар тоифасида Чернобил фалокати оқибатларини тугатиш қатнашчилари тилга олинмаган.

Агар сиз Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган ёки сизга I-II гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида даромад солиғидан озод этиласиз.

Бундай имтиёзга бўлган ҳуқуқ буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандагина вужудга келади.

Ишхона маъмуриятининг талаби бўйича сиз солиқ идорасидан имтиёзга эгалигингиз тўғрисида маълумотнома олишингиз шарт эмас. Чунки, ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган тоифага кирсангиз, буни тасдиқловчи ҳужжатларни маъмуриятга тақдим этиш билан кифояланиш мумкин.

Имтиёзнинг бошқа турларига келганда мулк ва ер солиғидан озод қилингансиз.

MEROS KIMNIKI?

Биз оилада тўрт фарзандмиз — бир қиз ва уч ўғил. Иккала акам 1990 йили Украинага кўчиб кетган. Ҳозир Украина фуқаролигига ўтишган. Мен эса Ўзбекистонда укам билан ота-онамизнинг уйида яшаб келаман. 1996 йили отам, 2005 йилнинг февралида онам вафот этди. Лекин турар-жойни ота-онамиз васият қилишмаган. Шунинг учун мазкур турар-жой тўрт фарзанд ўртасида бўлинадими? Икки меросхўр бошқа мамлакатда яшаётган бўлса, улар Ўзбекистондаги суд мажлисига чақириладими?

G.MAMADALIYEVA,
Bulung`ur tumani

Одатда мерос мулкига ворислик қилиш васият ёки қонун бўйича амалга оширилади. Шунинг учун агар мерос мулки васият қилинмаган бўлса, мерос қонун бўйича тақсимланади. Шу билан бирга мерос мулкини эгаллашда ўзига хос қонуний нормалар ҳам мавжуд. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1145-моддаси талабига кўра, меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисми (улуши)ни олишдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият ҳақиқий эмас деб топилмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан уни бошқа меросхўрлар қатори олишга ҳақли бўлади.

Мерос мулкини бўлишда мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар тақсимот пайтида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар-жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва бошқа рўзғор буюмларини олишда устун ҳуқуққа эга бўладилар (ФКнинг 1153-моддаси).

Иккинчи саволингизга келсак, агар мерос мулкини тақсимлаш ва уни эгаллашда низо келиб чиқса, меросхўрлардан бири ёки бир нечтаси мерос мулкини олишдан воз кечиб, буни нотариал тартибда тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, суд меросхўрни (ёки унинг қонуний вакилини) чақиртириши мумкин.

USHLAB TURISH MUDDATI

Мен Тожикистонда туғилганман. 1986 йили Тошкент давлат университетини тамомлаганимдан сўнг шу ерда ишлаб қолдим. Бир йилда бир-икки марта яқин қариндошларимнинг олдига — Конибодом шаҳрига бориб тураман. Ҳар сафар божхонадан қонуний тартибда ўтаман. Лекин яқинда чегарадан ўтаётганимизда Ўзбекистон божхонаси ходимлари гоҳ уни, гоҳ буни сўраш баҳонасида бир неча соат ушлаб туришди. Оқибатда вақтим бехуда кетди. Прокурор санкцияси бўлмаса ҳам божхоначилар фуқарони ушлаб туришга ҳаққи борми?

I.BARATOV,
Bekobod tumani

Божхона ходими фуқарони вақтинча — уч соаттача маъмурий тартибда ушлаб туришга ҳақли. Лекин бунинг учун унда қонуний асос бўлиши лозим. Яъни, масалан, Ўзбекистон Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198- ва 227-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса. Аммо маъмурий ушлаб туриш уч соатдан кўпга чўзилиши мумкин эмас. Агар баённома тузиш учун олиб келинган шахс маст бўлса, ушлаб туриш у ҳушига келган вақтдан бошлаб, қолган ҳолларда баённома тузиш учун шахс олиб келинган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

ISH YOKI BOLALAR

Мен асли шифокорман. Лекин фарзандли бўлганимдан сўнг яқин тўрт йилдан бери уйда фарзандлар тарбияси билан машғулман. Болаларимнинг кичиги яқинда икки, каттаси эса уч ёшга тўлади. Икковини ҳали боғчага бермаганлигимиз учун уларга ҳозирча ўзим қараб турибман. Кичигим икки ёшга тўлиши билан ишга чиқмоқчиман. Лекин ишга чиқадиган бўлсам, болаларни боғчадан олиш муаммо бўлиб турибди. Чунки турмуш ўртоғим бироз узоқроқда ишлайди. Шунинг учун мен иш жойим маъмуриятидан ишдан сал эртароқ чиқишга рухсат сўрашим мумкинми?

D.JA`FAROVA,
Farg`ona sh`ahri

Амалдаги Меҳнат кодексида ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат қилиб белгиланган. Лекин сиз давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган муассасада ишласангиз иш берувчи оилавий шароитингизни ҳисобга олган ҳолда бу вақтни бесоатга қисқартириши мумкин. Яъни, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга Меҳнат кодексининг 228[1]-моддасига мувофиқ, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. Бунда аёллар меҳнатига ҳақ тўлиқ миқдорда тўланади.

IMTIYOZ PULI

2003 йили уй-жой ва коммунал хизматлар учун берилган имтиёз бекор қилингач, унинг ўрнига пул бериш жорий қилинган эди. Эшитишимча, нафақадаги фуқаролар ҳам мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга экан. Бувим нафақада бўлса-да, бундай пулни умуман олмайди. Айтинг-чи, бувим ушбу пулни олишга ҳақлими?

E.TURDIALIYEVA,
Izboskan tumani

Бувингиз Президентимизнинг 2003 йил 27 мартдаги фармонида белгиланган уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация бериладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига кирмайди. Бу тоифага ўзгалар қаромоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар киради.

QANCHA SOLIQ UNDIRILADI?

Шахсий автомашинамда тадбиркорлик билан шуғулланиб, пассажир ёки юк ташишни мўлжаллаб турибман. Бундай фаолият учун қанча солиқ ундирилади?

L.PARPIYEV,
Kasbi tumani

Бундай фаолиятдан олинадиган солиқ миқдори фаолиятни қандай шаклда, яъни юридик ёки жисмоний шахс сифатида олиб боришингизга ва автомашина русумига боғлиқ. Агар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик қиладиган бўлсангиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги қарорининг 11-иловасига мувофиқ, вилоятлар туманлари ва қишлоқ жойларида автомобилда йўловчилар ташиганлик учун солиқ қуйидаги тартибда ундирилади:

— 3 тагача ўринга эга бўлган енгил автомобиллар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида;

— 12 тагача ўринга эга бўлган енгил автомобиллар учун (микроавтобуслар) учун — 5,5;

— 30 тагача ўринга эга автобуслар учун — 6,5;

— 40 тагача ўринга эга бўлган автобуслар учун — 9,5;

— 40 тадан ортиқ ўринга эга бўлган автобуслар учун — 13.

Юк ташилганда:

— 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга автомобиллар учун — 4;

— 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга автомобиллар учун — 7,5;

— 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга автомобиллар учун — 12.

Истеъмолчилар ҳуқуқи



Қиш эшик қоқмоқда

Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори Оғабек Матназаров билан суҳбат

— Оғабек ака, эртага қишнинг биринчи куни. Мамлакатимизда қишга тайёргарликнинг аҳволи қандай?

— Бу йил эрта баҳордан уйларни кузги ва қишки мавсум учун тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун бир қанча ишлар амалга оширилди. Жойлардаги прокуратура органлари томонидан бу борадаги фармон ва қарорлар ижроси назоратга олинди. Аммо коммунал хизмат тўловларининг ўз вақтида тўланиши муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу йилнинг 11 февралида Президентнинг «Коммунал хизмат тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарор ижроси юзасидан ўтказилган текшириш якунларига кўра 136 та жиноят иши қўзғатилиб, 112,6 млн. сўмлик моддий зарар ундирилиб, 3 млрд. 433 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга 1596 та ариза киритилди.

— Ҳар биримиз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши биламиз. Чироқ ўчиб қолса ёки ичимлик суви тўхтаб қолса тегишли идорага қўнғироқ қиламиз. Бироқ баъзан зиммамиздаги масъулиятни унутиб қўямиз.

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига республика бўйича коммунал тўловлардан қарздорлик 219,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, унинг 98 млрд. сўми аҳолига тўғри келади. Қарздорликнинг 51,7 млрд. сўм табиий газдан фойдалаганлик учун, 39,9 млрд. сўми иссиқлик энергияси, 31,1 млрд. сўми эса ичимлик сувини ташкил қилган.

Энг кўп қарздорлик Тошкент шаҳрида 112,8 млрд., Тошкент вилоятида 19,4 млрд., Самарқанд вилоятида 17,1 млрд. сўмга тўғри келади.

Айрим ташкилот раҳбарлари электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўламайди. Натижада электр тармоғидан узиб қўйилади. Шунга қарамай, яширинча электр тармоғига уланиб олинади. Мисол учун, Андижон вилоятидаги «Асакапарранда» МЧЖ таркибида тузилган «Инагроком-люкс» корхонаси электр энергиясидан 25,3 млн. сўм қарздорлиги учун тармоқдан узиб қўйилган. Бироқ корхона раҳбарлари қарзни тўлаш ўрнига, ўзбошимчалик билан электр тармоғига уланиб давлатга 2,7 млн. сўм зарар етказган.

— Айрим уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари коммунал тўловлар учун аҳолидан йиғилган нақд пулни банкларга топширмай, ўзлаштириб юбормоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги «Чилонзор беш» уй-жой мулкдорлари ширкати директори Н.Казина коммунал тўловлар учун йиғилган 3,7 млн. сўмни ўзлаштирган. «Жиззахшаҳаргаз» филиалининг ҳуқуқшуноси Ш.Мирзаахмедов 51 та оиладан газ тўловлари учун йиғилган 500.000 сўмни ўзлаштириб юборган.

— Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун яна қандай ишларни амалга ошириш лозим?

— Аввало ҳар бир фуқаро истеъмол қилинган ичимлик суви, иссиқлик энергияси, табиий газнинг ҳақини ўз вақтида тўлашга ўрганиши керак. Чунки, ана шу тўланган маблағ келгусида фаровон яшашимиз учун омил бўлади. Қолаверса, асаббузарликларга ҳам барҳам берилади.

«Huquq» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
суҳбатлашди

БУГУНГИ ТАРАДДУД — ЭРТАНГИ РОҲАТ

Ҳар фаслнинг ўз ҳусни ва таровати бўлгани каби унга мослашишнинг ўзига хос тараддуд ва ташвишлари мавжуд. Эшик қоқаётган қишни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олиш эса, ҳар галгидек халқимиз, оилаларимиз аъзоларининг совуқ кунларни қийинчиликларсиз ўтказишига замин яратади.

Ўзбекистон Президентининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2005-2006 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ижросини таъминлаш бўйича вилоят ҳокимининг қарори ижроси юзасидан бир мунча ишлар қилинмоқда.

Биргина таълим муассасаларини оладиган бўлсак, вилоятда ўқувчи ва тарбияланувчиларга зарур шарт-шароит яратиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик соҳасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд 375 та мактабнинг 192 таси газлаштирилиб, иссиқлик тизимига уланган, 5 таси электр энергияси, 43 таси саксовул ўтини, 18 таси суюқ ёқилғи ва 117 таси эса кўмир билан иситишга мослаштирилган. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, капитал таъмирлаш дастурига киритилмаган 25 та таълим муассасаси 526 млн. сўмга, жорий таъмирлаш дастурига кирмаган 22 та таълим муассасаси 287,1 млн. сўмга таъмирланди.

Аммо, барча таълим муассасалари раҳбарлари ҳам масъулиятни тўлиқ ҳис этаяпти дея олмаймиз. Тумандаги Й.Охунбобоев номидаги ўрта мактаб, «Ғунча» мактабгача таълим муассасаси ҳамда «Феруза» болалар боғчаларида иситиш қозонхоналарининг ҳали у, ҳали бу мосламалари ишламай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Навбаҳор туманидаги Қори-Ниёзий номидаги ўрта мактабнинг иситиш қозонхонасига эса ҳозирги кунга қадар газ тармоғи уланмаган. Бундай эътиборсизликларни Нурота туманидаги «Нурафшон», «Мўъжиза», «Қалдирғоч» болалар боғчалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоят прокуратураси томонидан аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 7 та тақдимнома киритилиб, 24 нафар шахс огоҳлантирилган бўлса, 9 та интизомий ва 14 та маъмурий иш қўзғатилди.

Баҳрилло КАЗАКОВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Газ бўлмаса... кўмир

Қиш эшик қоқмоқда. Ҳали замон қаҳратон аёз қиличини қайрайди. Буни ўйлаб «қиш ғамини ёзда кўр» деган нақл эсга тушади. Хўш, Хоразм вилоятида қишги мавсумга тайёргарлик қай тарзда кечди? Аҳоли яшайдиган турар-жойлар, ўқув-тарбия масканлари ва маъмурий корхоналарни иситиш мавсумда қониқарли давом этадими?

Маълумотларга қараганда, «Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖ вилоятдаги 873 та кўп қаватли уйларни, ўқув-тарбия ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ва маъмурий биноларни иссиқлик билан таъминлар экан. Иссиқлик 150 та қозонхонадан тортилган 146 километрли тармоқлар орқали узатилади. Республика Президенти ва вилоят ҳокимининг халқ хўжалиги тармоқларини 2005-2006 йилги кузги-қишки мавсумга ҳозирлаш борасидаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жамият томонидан бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 3 та сув иситиш қозони, 16 км. узунликдаги иссиқлик тармоғи, 20 та қозонхона, 25 та қозон, 2,2 километрли тармоқ қопламалари мукаммал таъмирланган. 3500 тонна техник туз ва 1500 тонна заҳира ёнилғи-мазут ҳозирланган.

Сўнгги бир неча йил ичида вилоят марказидаги 4- ва 6-кичик даҳалардаги уйларнинг марказий қозонхонадан узоқдалиги боис иссиқлик етишмаслиги кузатилиб келинаётган эди.

— Бу йил бундай нуқсонлар бўлмайди, — дейди жамият раисининг муовини Умид Ҳакимов. — Ишлаб чиқилган дастурга асосан бу даҳалардаги уйлар учун кичик қозонхона қурилди. Шундай қозонхона Урганч шаҳридаги Улуғбек номли мактаб ёнида ҳам ишга туширилди. Бу қозонхоналар хонадонларни олдинги йилларга нисбатан кўпроқ иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконини беради. Улар тўла қувват билан ишлаганда иссиқлик энергияси таъминоти янада яхшиланади. Чунончи, йил давомида 450 минг куб метр газ, 150 минг киловатт соат электр энергия, 16 минг куб метр сувни, жами 25 миллион сўмни тежаб, иқтисодий самара беради. Шунингдек, марказий қозонхона иш қувватини 30 фоизга ошириш, шу билан бирга 3-даҳадаги Гурлан, Абулғози Баҳодирхон, Тинчлик кўчалари, асосан 19-кварталдаги уйларнинг иссиқлик энергияси билан таъминланиши яхшиланди.

Таъкидлаш жоизки, силга қарши кураш вилоят диспансерида ҳам иссиқлик таъминоти бир мунча яхшиланмоқда. Бу ерда буғ билан иссиқлик берувчи 2 та қозонхона мукаммал таъмирланди, самарадорлиги юқори қозонхоналар билан алмаштирилди. Илгари мазкур диспансер қозонхонасида бир сменада 2 нафар машинист, 1 нафар лаборант хизмат қиларди. Ҳозир бу ерда бир нафар машинист-оператор ишлаяпти.

«Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖнинг махсус дастури асосида кўпқаватли уйларга ҳисоблагичлар ўрнатиш давом этмоқда. Бу энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга омил бўлади, албатта. Ҳисоблагичларни ўрнатиш 2007 йилда 100 фоиз ниҳоясига етказилади.

Жамият маъмурларининг таъкидлашларича, иссиқлик энергияси ва сув учун тўланмаётган қарзлар муаммоси долзарблигича қолмоқда. 1 октябр ҳолатига аҳоли ва ташкилотларнинг истеъмолчи сифатидаги қарзи 1 миллиард 446 миллион 869 минг сўмни ташкил қилар экан. Жамият томонидан қарзларни ундириш чоралари ҳаминқадар кўрилмоқда. 2005 йил давомида шаҳар ва туман фуқаролик ишлари судларига 4569 та уй эгаларига нисбатан 338.772.000 сўмликка яқин даъво иши, 27 ташкилотга нисбатан 58.500.000 сўмлик даъво иши эса вилоят хўжалик судига киритилган. Пировардида қарзларнинг бир қисми ундирилган.

Қарс-икки қўлдан дейдилар. «Хоразм иссиқлик манбаи», истеъмолчилар ва хонадонларга иссиқлик энергияси ва сув етказиб берувчи тармоқларни таъминловчи ва улардан фойдаланувчи ширкатлар ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлашса, муаммолар ўз вақтида ечимини топган бўлармиди? Тўловларни ўз вақтида тўламаслик қишки мавсумнинг бинойидек ўтишига халақит бермай қўймайди. Қолаверса, уй-жой ширкатларининг ишини ҳам юқори баҳолаб бўлмайди. «Иссиқлик манбаи» ОАЖ уйларгача етказиб берган зарур энергия баъзи ҳолларда ширкатларнинг эътиборсизлиги билан хонадонлар ичкарисига тўлиқ тарқатиб берилаётгани йўқ. Мисол учун вилоят марказидаги 6-кичик даҳада қозонхона ишга тушгач, икки кун ўтиб ҳам 8-8а ва 11-уйларга ширкат томонидан иссиқлик берилмаган. 1 ноябргача Урганч шаҳрида 24 та кўпқаватли уйларнинг иссиқлик тармоқлари таъмирланган.

— Бир неча йилдан буён иссиқлик нима эканини билмаймиз, — дейди Урганч шаҳридаги Р.Ойипов кўчаси 33-уйда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Комил Аминов. — Уй-жой ширкати ходимлари эски қувурларни алмаштириб, у ёқ-бу ёқни таъмирлашган бўлишди. Бироқ, аҳвол ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос.


Ҳақиқатан ҳам 33-уйдаги аҳвол яхши эмас экан. Алмаштирилган айрим қувурлар аввалгисидан сал бундайроқ, лекин янги эмас. Ширкат ходимлари кўз бўямачиликни дўндирган кўринади.

Сир эмас, таъмирланган қозонхоналар ишга тушгач ҳам айрим даҳалардаги аҳоли хонадонларда иссиқлик камлигидан, жўмраклардан иссиқ сув ўрнига совуқ сув келишидан шикоят қилишяпти. Аслида мутахассислар энергия ва иссиқ сувнинг белгиланганидек етиб бориши газ босимига боғлиқ эканлигини таъкидлашади. Газ босимининг камлиги айниқса 190- ва 67- кварталлардаги қозонхоналар ишига салбий таъсир кўрсатган.

— Биз аҳолининг иссиқлик кам бўлса ҳам тўла таъриф билан ҳақ олинаётганлиги борасидаги эътирозларига қўшиламиз, — дейди Умид Ҳакимов, — лекин қозонхоналарга газ тўла босим билан етказиб берилмас экан, аҳволни яхшилаш қийин.

Аҳолининг умиди эса «Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасидагиларнинг газ босимини ошириш борасидаги ваъдаларини бажаришида. Ўтган йили вилоятда газ таъми-


қонун ҳимоясида



Менинг киндик қоним қишлоққа тўкилган. Қишлоқда ўсиб-улғайдим. Фарзандларим ҳам шу ерда туғилиб, вояга етмоқда. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг аксарияти қишлоқни макон тутишган. Хуллас, қишлоққа минг битта ришта билан боғланган кишиман. Тақдир деганлари шудир балки.

Қишлоқ — юртим. Мен учун Ватан ҳам қишлоқдан бошланади. Умрим қишлоқда ўтаяпти, ахир. Шундай бўлгач, қишлоқнинг яхшисидан суюниб, ёмонидан куяман-да. Айтинг, қандай қилиб қишлоқнинг бугуни ва эртасига бефарқ қарашим мумкин?





Дўст ачитиб гапиради. Халқ мақоли

Қишлоққа юзланинг!

Мен аравани қуруқ олиб қочишни ёқтирмайман. Келинг, муддаога ўтишдан аввал ўзим яшаб турган қишлоқ ҳақида ҳикоя қилиб берай.

Қишлоғимиз бундан 40-45 йил аввал Бешқўтон чўли бағрида (ҳозирги Музработ тумани ҳудудида) тоғлик фидойи инсонлар томонидан барпо этилган. Дастлаб аҳолиси атиги 40-50 хонадондан иборат бўлган, холос.

Теварак-атроф ҳувиллаб ётган. Шунинг учун бўлса керак, Ёлғизбоғ деб аташган.

Қишлоқ йилдан-йилга ўзгариб борди. 1970 йилларнинг бошида «свет» келди. Кейинчалик қишлоқ темир қувурлар орқали тоза сув билан таъминланди. Тиббий пункт, болалар боғчаси қурилди. Кўчаларга асфалт ётқизилди. Ҳатто дала йўлларига ҳам шағал тўкилди. Махсус машиналарда доим балонли газ етказиб турилади. Деярли ҳар бир оилада газ плитаси бор.

Вақт ўтиб, қувурлардан сув чиқмай қолди. Суюлтирилган газни келтириш тақа-тақ тўхтатилди. Йўлларни таъмирлашни бутунлай «унутиб» қўйишди. Болалар боғчаси ёпилди.

Қишлоғимиз шундоққина туман марказининг биқинида жойлашган. Ҳозирга келиб аҳолиси тахминан 3-4 баравар кўпайган.

Эсингизда бўлса, Президентимиз томонидан 1990 йилдаёқ «Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида» фармон чиқарилган эди. Афсуски, бизнинг қишлоғимизда ҳануз унинг ижроси таъминланмаган. Қишлоғимизда на тоза сув, на табиий газ бор. Лоақал идишларда ичимлик суви ва суюлтирилган газ етказиб бериш ҳам йўлга қўйилмаган.

Бошида аҳоли бундан ажабланди. Кейинчалик норози бўла бошлади. Раисга боришди. Ҳокимга мурожаат қилишди. Аммо юқори ташкилотларнинг раҳбарлари одамларнинг арз-додига қулоқ солишни ҳам хоҳлашмади.

Охири шароитга кўникишдан ўзга илож қолмади. Начора, осмон йироқ — ер қаттиқ.

Ҳозирги даврда маълум даражада электр энергияси тақчиллиги мавжуд. Шу туфайли уни тежаш зарурияти туғилмоқда. Буни тушунамиз. Аммо билишимизча, электр таъминоти ҳокимликлар билан келишилган жадвал асосида белгиланган вақтлардагина чекланиши лозим. Амалда эса доимий равишда узоқ муддатли узилишлар рўй бераяпти.

Жорий йилда бу борадаги чеклашлар сентябр ойидаёқ бошланди. Тонгда соат бешдан еттигача, кеч соат олтидан тўққизгача электр чироғи ёнади, холос.

Бойсун туманидаги Мачай қишлоғи ота юртимдир. Озмикўпми ҳамқишлоқларнинг ўй-ташвишларидан воқифман.

Мачай баланд тоғлар орасида — Шеробод дарёсининг юқори қисмида жойлашган. Қишлоқ йўли ана шу дарё бўйлаб ўтган ва уни бир неча бор кесиб ўтади. Ана шундай жойларда омонат кўприклар қурилган. Дарё суви тошган кезларда гоҳ у, гоҳ бу кўприкни яроқсиз ҳолга келтиради. Уларни тиклаш эса йиллаб пайсалга солинади. Бундай пайтларда қишлоққа тахминан 130-150 километр йўл босиб, Қашқадарё вилоятининг Бешчорбоғ қишлоғи орқали боришга тўғри келади. Бу йўл машаққатини таърифлашга қалам ожиз.

Мачайликларнинг биринчи орзуси мустаҳкам йўлга эга бўлишдир.

Серёғин мавсумда дарё суви лойқага айланади. Хусусан, сел йўлида дуч келган нарсани супуриб келиши сир эмас. Шундай бўлса-да, қишлоқ аҳолиси дарё сувидан истеъмол қилади.

Ваҳоланки, қишлоқни қуршаб турган тоғларда кўплаб булоқлар борки, уларнинг сувидан ичиб тўймайсиз. Ана шу сув қувурлар билан қишлоққа олиб келинса, бунинг савобига нима етсин.

Ҳар қандай ислоҳот аввало халқнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоғи даркор. Шундай экан, қишлоқларда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриладиган фурсат етди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
журналист

ноти катта фелъетонга мавзу бўлгудек ҳолда кечди. Уйлар тугул, мактаб, болалар боғчалари ҳам музхоналардан фарқ қилмай қолди.

Вилоят марказида совуқ даражаси кучайган кунларда иссиқлик етишмаётган мактабларда дарс соатлари қисқартирилиб ўқитилди, баъзи жойларда эса ҳарорат исигунча ўқувчиларга 5-6 кун таътил берилди. Бироқ йил ўн икки ой газ билан таъминланмай келинаётган ҳудудлардаги мактабларда, коллежларда то баҳор келиб, илиқ кунлар бошлангунча совуқ, бетондан тикланган, пол-тахта ўрнига линолеум тўшалган биноларда ўқишни бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай ҳолатлар қарийб кўпгина қишлоқларда ҳукм суриб келмоқда. Хонқа туманидаги Сарапаён қишлоғидаги 19-мактаб, болалар боғчаси, Урганч туманидаги Дўрмон қишлоғидаги 7-мактаб, «Қалдирғоч» болалар боғчаси, «Гулистон» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги Бобур номли ҳамда 32-мактабларни фикримиз исботи сифатида келтиришимиз мумкин.

«Хоразмтрансгаз» корхонаси раҳбари Зуфар Ботировнинг ўтган йили «Ахборот» кўрсатуви мухбирига берган интервьюсида газ босимининг камлигини марказий газ қувурларининг эскирганлигида, дея изоҳланганди. Бу бир йил аввалги изоҳ. Умид қиламизки, ўтган 12 ой мобайнида эски қувурлар таъмирланиб улгурилди. Газ босими бу йил жиллақурса кўтарилар?!

Дарҳақиқат, вилоятда ёзу қиш газ етказиб берилмайдиган қишлоқлар ҳам мавжуд. Хазорасп туманидаги Бўстон қишлоғининг Қовунчи маҳалласи расмий ҳужжатларга кўра тўлиқ газлаштирилган. Лекин амалда аҳолига табиий газ етказиб бериш муаммолигича қолиб келмоқда. Бунга ўхшаш мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир туманнинг чекка қишлоғида бу муаммо урчиб ётибди. Хас-хашакнинг тафтига қаноат қилмаган фуқаролар гоҳида ўғринча ҳолда бўлсада тутзорларга болта уришга мажбур бўляптилар. Бу эса қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи пилла етиштиришнинг оқсашига олиб келиши табиий.

Бир пайтлар кўчаларда суюлтирилган газ тўлдирилган баллонлар сотиларди. Аҳоли юз фоиз газлаштирилди деган сохта рапортлар оқибатида бу каби савоб ҳам ўз хотимасини топди. Кўмир борасида-ку, оғиз очмаса ҳам бўлади. Ҳозир уни кабобпазлардан тортиб бошқаларнинг ҳам ҳовлисида учратиш аримаҳол. Жиллақурса, мактаб ва боғчаларни кўмир билан таъминлаш борасида бош қотирилса ёмон бўлмасди.

Йўлимиз тушиб Қорақалпоғистондаги айрим мактаблардаги аҳвол билан танишганимизда, у ерда эҳтиёт юзасидан газ келмай қолса ёқамиз, деган мақсадда тошкўмир ғамлаб қўйилганининг шоҳиди бўлдик. Шундоқ ён қўшнимиз бўлган ҳудуднинг маҳаллий маъмурлари эплаган ишни, хоразмлик ёшуллилар ҳам уддасидан чиқадилар деган умидимиз бор.

Эрпўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

Остонада қиш. Шаҳримиз қиш мавсумига ҳозирми? Совуқ кунлари иссиқлик етказиб берувчи магистрал қувурлардаги, кўпқаватли уйларнинг иситиш тармоқларидаги носозликлар туфайли хонадон эгалари азият чекмайдими? Боғчалар ва мактабларда болалар совқотиб қолишмайдими?

Қолган ишга қор ёғмасин

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Президентнинг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2005-2006 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шунга асосан шаҳар ҳокимлиги куз-қиш даврига тайёргарлик кўриш бўйича июн ойи бошида тадбирлар ишлаб чиқди, уларнинг ижросига масъул шахслар тайинланди. Бироқ, қарор ижроси ўрганилганда айрим қонунбузилишлар юзага чиқиб қолди.

Шаҳардаги 140 та кўпқаватли уйларда беш мингдан зиёд оила истиқомат қилади. Уларга 17 та уй-жой мулкдорлар ширкатлари хизмат кўрсатади. Ушбу турар жой биноларини куз-қиш мавсумига ҳозирлаш учун 212.700.000 сўм маблағ ажратилган. Бироқ қарор ижроси мунтазам назорат қилиб борилмагани учун бир қатор тадбирлар ўз муддатида ниҳоясига етказилмаган. Хусусан, шаҳар электр тармоқлари корхонаси 1 сентябргача электр энергияси тақсимотида зўриқиш юзага келадиган куз-қиш даврида истеъмол қилинишини тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқмаган. Шаҳар «Сувоқова» корхонаси 1 октябргача хонадонларга сув ҳисоблагичлар ўрнатиш, канализация, коллекторлар ва иссиқлик тармоқларини тозалаш, кўпқаватли уйларнинг ертўлаларини босган сувни қуритиш каби бевосита вазифасини тўкис адо этмади. Қувурлар чириб яроқсиз ҳолга тушгани натижасида босим пасайиб, юқори қаватлардаги хонадонларга сув чиқмаяпти, ўттиз фоизга яқини ертўлаларга сув оқиб ётишига барҳам берилмади.

ГРЭС шўъба корхонаси, шаҳар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимларига 1 октябргача қозонхоналарни мукаммал таъмирлаш, ишлашга тайёрлиги тўғрисида далолатномалар тузиб, ҳудудий комиссияга тақдим этиш вазифаси юклатилганди. Мактаблар ва шифохоналардаги қозонхоналар таъмирдан чиқарилди, бироқ ГРЭС шўъба корхонаси раҳбари Т.Саидовнинг масъулиятсизлиги туфайли қозонхоналарни мукаммал таъмирлаш охирига етказилмади. Иссиқ сув узатиладиган трассаларни қора қоғоз билан ўраш ҳам чала қолди. Бу эса ушбу қувурлар орқали узатиладиган иссиқликнинг муайян қисми беҳуда ҳавога совурилишига олиб келади.

Шаҳардаги кўпқаватли турар жой биноларининг 20 таси мавсумга тайёр эмас. Айрим кўпқаватли уйлар, улардаги подъездлар иситиш тизимига уланмаган. Чунончи, Беруний кўчасидаги 30-турар жой биносининг элеватори ишламайди, қаровсиз қолгани туфайли айрим қисмлари талон-торож қилинган. Фуқаролар шаҳар ГРЭС корхонаси билан уй-жой ширкатлари идораси ўртасида сарсон бўлишаяпти. Корхона кўрсатмаган хизмати, етказиб берилмаган иссиқлик учун ҳақ тўлашни талаб қилиши фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Кўпқаватли уйлардаги 180 та подъездга эшиклар ўрнатилиши лозим эди. Амалда эса 20 тасига ўрнатилган, холос. Подъездлардаги синган дераза ойналарининг ярми қайта қопланмаган. «Сувоқова» корхонаси кўзда тутилган 0,18 километр қувурларни таъмирлашни тугалламаган. ГРЭС корхонаси кўзда тутилган 2 та ўрнига 1 та қозонхона жорий таъмирланган.

Шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари мактаблар ва болалар боғчалари биноларини қиш мавсумига тўлиқ жиҳозлашга масъулият билан ёндошмаган. 8, 18, 22, 6-мактабларнинг айримларида қозонхоналар тўкис таъмирланмаган, синфхоналардаги синган дераза ойналарига янгилари ўрнатилмаган, томлардан чакка ўтади, 6 та болалар боғчалари ҳам қишга бекаму кўст тайёрланмаган.

Юқоридаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Масъул мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, чала қолган ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

А.МИРЗАЕВ,
Кувасой шаҳар прокурори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятидан

ХАЛҚ МАНФААТИ,

Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларнинг қонуний бўлиши, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашишнинг олдини олиш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда.

ТЕКШИРИШЛАР ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

Шуйилнинг июлидан барча текширишлар назорат қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва жойлардаги комиссияларининг рухсатномаси асосида ўтказилмоқда ва уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 53,5 фоизга камайган.

Шунга қарамай, жорий йилнинг октябрида департамент органлари ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижасида тадбиркорларга яратилган шароит ва имтиёзлардан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган шахслар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки ўз хизмат вазифаларини совуққонлик билан бажариш ҳолатлари юзасидан 18 жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан . Фарғона вилоятидаги давлат мулки бўлган айрим объектларни баҳолаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари текширилганда, Давлат мулкини бошқариш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси, «Водий эксперт инвест» МЧЖ, «Фарғона баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ мансабдорлари томонидан «Фарғона газ аппаратлари заводи» АЖга қарашли «Рельсли база», тўрт қаватли ётоқхона, «Фарғонатранс» автомобилларда юк ва йўловчи ташиш ҳудудий уюшмасига қарашли 4 қаватли маъмурий бино, «Қувадонмаҳсулотлари» АЖга қарашли қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси ва бошқа объектлар ноқонуний равишда, паст нархларда баҳоланиб хусусийлаштирилганлиги ва давлатга 148,9 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, «Гулистон нефт базаси» унитар корхонаси Сирдарё бўлимининг оператори Сайхунобод туманида фаолият кўрсатаётган хўжаликларнинг таъминотчилари билан тил бириктириб, хужжатларни сохталаштириш йўли билан хўжаликлар учун мўлжалланган 3 млн. 200 минг сўмлик 12,3 тонна бензинни нақд пулга сотишган. Савдодан тушган пулни эса ўзлаштиришган.

Фарғона вилояти Боғдод тумани ДСИ ходимлари томонидан «Массивари Даврон» МЧЖнинг 15,5 млн. сўмлик солиқ тўловларидан қарзи борлиги аниқлаб, тўпланган ҳужжатларни қонуний чора кўришлик учун тегов органларига юборишмаган.

Шунингдек, ДСИда юритилган «Текширишларниқайдқилиш китоби»ни кўздан кечирилганида, «Массивари Даврон» МЧЖга нисбатан тўпланган ҳужжатлар туман СВОЖҚҚга юборилганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритилганлиги, аслида эса ҳужжатлар 46 кундан сўнг молиявий жарима қўллаш учун Фарғона вилоят хўжалик судига юборганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан туман ДСИ ходимларига нисбатан ЖКнинг мансабга совуққонлик билан қараш, «Массивари Даврон» МЧЖ рахбарига нисбатан эса солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш бўйича жиноят иши қўзғатилган.

С.АЛИЕВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ департаменти бошқарма катта инспектори



Қилмишига яраша

Шу йилнинг 5 октябридаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонининг мақсади тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдорларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган. Бошқармамиз ва ҳудудий бўлимлар томонидан ўтган даврда 1281 та ҳуқуқ-тарғибот ишлари ўтказилди. Натижада бюджетга 123 млн. 19 минг сўмлик маблағларнинг ихтиёрий тўланишига эришилди. Бироқ барча тадбиркорлар ҳам қонунга амал қилиб ишламоқда дея олмаймиз. Жорий йилнинг ўтган даври таҳлил қилинганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга нисбатан 179 та жиноят ҳамда 204 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилиб, мажбурий тўловларнинг 87,4 фоизи ундирилди.

Нақд пулнинг ноқонуний айланиши ҳар қандай қудратли давлатнинг ҳам иқтисодини издан чиқаради. Тезкор тадбирлар натижасида 62 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 8.252.150 сўм нақд пулнинг ноқонуний товар пул айланмаси ва НКМдан ўтказмаслик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарликлар натижасида 23 та жиноят ва 43 та маъмурий ишлар қўзғатилди.

Навоийлик А.Каримов хорижда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатига эга бўлмаган 47 турдаги, 1675.0 сўмлик автомобил эҳтиёт қисмларини сотаётгани аниқланди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаро Т.Хожиев ўзининг «Москвич-412» автомашинасида 203.000 сўмлик этил спирти ва ароқ шишаси қопқоқларини олиб кетаётганида ушланди. Суд қонунбузарни қилмишига яраша жазолади.

Баҳром ЯКУБОВ,
Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси бошлиғи

Сурхондарё вилоятининг каттагина қисми қўшни Тожикистон республикаси билан чегарадош. Азалдан бу чегара ҳудудларида яшайдиган аҳоли ўзаро алоқада бўлиб, бир-биридан қиз олиб, қиз бериб борди-келди қилиб туришган. Бошига ташвиш тушган пайти зарур ёрдамларини аямаган. Афсуски, юртимиз фуқароларининг айримлари бундай алоқалардан ғайрилик мақсадида фойдаланиб, ноқонуний ишларга қўл уришмоқда.

Қонунбузар жазоланди

Сариосиё туманининг «Сўфиён» ширкат хўжалигида яшовчи Аъзамжон Маҳаммадиев шундайлар тоифасидан чиқиб қолди. У турли хилдаги товарларни чет элдан юртимиз ҳудудига ноқонуний олиб кириш жиноят эканлигини билса-да, кўрабила туриб бу йўлга қадам қўйди. Шу йилнинг 6 ноябр куни Аъзамжон божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали Тожикистондан катта товар олиб ўтди ва уларни уйига жойлаштирди. У хорижда ишлаб чиқарилган 373 жуфт, 2 миллион 900 минг сўмлик эркаклар пойафзалини сотиб, каттагина даромад олишни кўзлаган эди. Шу мақсадда товарларни таниши Ж.Назаров бошқарувидаги автомашинага юклаб, сотиш учун йўлга отланди. Лекин унинг савдоси пишмай қолди. Катта пул сарфлаб, не-не орзуларни қилган Аъзамжонни Сариосиё туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бўлими ходимлари тўхтатиб қолишди. 2.900.000 сўмлик товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

М.МАҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи



Қонун олдида ҳамма тенг

Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси бошлиғи Исоқ ЖАМОЛОВ билан суҳбат

— Кейинги 3-4 ойда тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар эълон қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларида тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилди.

— Дарҳақиқат, яратилаётган шароитлар тадбиркорлар учун катта имконият эшикларини очди. Қарор ва фармонларнинг моҳиятини тушунтириш юзасидан мулоқотлар ташкил қилганмиз. ОАВда чиқишлар қилинмоқда. Бироқ шунга қарамай, айрим тадбиркорлар ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришдан қайтишмаяпти. Шу йилнинг ўтган даврида 409 та қонунбузилиш аниқланиб, 192 та жиноят, 104 та маъмурий ишлар қўзғатилди. 2 млрд. 402 млн. сўм ундирилди.

Мақсадимиз тадбиркорларни жазолаш эмас. Балки уларга ҳар томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

— Кейинги пайтда айрим вилоятларда бензин тақчиллиги сезилмоқда. Бу ҳақда «Huquq» газетасининг 12 октябр сонида «Ёнилғига ўт тушди» номли мақола чоп этилган эди. Унда Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги ёқилғи қуйиш шахобчаларида юз бераётган бензин танқислиги ҳақида сўз юритилганди.

— Муаммони ҳал қилиш юзасидан ўтказилган тадбирларда Самарқанд шаҳридаги баъзи АЁҚШ шахобчаларига келтирилган ёқилғи истеъмолчиларга вақтида сотилмаётгани, айрим ҳолларда бензин олиб сотарлар қўлига ўтиб кетаётгани аниқланди.

Шаҳримиздаги «Бахт РТВ» МЧЖга қарашли АЁҚШ оператори Ш.Ҳамидов 1.236.000 сўмлик савдо пуллари учун НКМдан харидорларга чек бермаган. Шахобчадаги «А-80» русумли 4262 литр бензин давлат стандартига жавоб бермаслиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

— Савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни қалбакилаштириб, ноқонуний иш қилаётган «тадбиркор»лар ҳақида ОАВларда чиқишлар қилинмоқда. Бироқ ноқонуний ишларга чек қўйилмаяпти.

— Тадбиркор аввало ҳалол бўлиши керак. Қаердаки, хиёнат бўлса, ўша жойдан барака кўтарилади. Барака ҳалолликда дея бежиз айтилмаган. Яқинда Нуробод туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бўлими ходимлари томонидан тумандаги «Қалдирғоч» савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмаси фаолияти ўрганилганда, унинг раҳбари Евгений Берлев шу йилнинг 7 сентябридан 23 сентябригача ноқонуний равишда 1.145.878.373 сўмлик товар айланмасини амалга оширганлиги аниқланди.

Тадбиркор улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномани қалбаки усулда ясаб, «Алоқа» банкининг Навоий филиали, шунингдек банк ва Нуробод туман ҳокимлиги, ДСИнинг бир неча хатларини қалбакилаштирган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ноқонуний ишларга банк ходимлари ҳам аралашиб қолишмоқда. Оқдарё тумани ИПХ масканида «Нексия» автомашинаси тўхтатилиб текширилганда 20.000 АҚШ долларини ноқонуний йўл билан муомалага киритмоқчи бўлганлиги аниқланди. Текширишда «Пахтабанк»нинг Иштихон туман бўлими ходимлари А.Атауллаев ҳамда С.Имомқулов шунча пулни фуқаро О.Файзиев, Ю.Жамилова ва У.Ҳамидовлар номига расмийлаштириб, сотганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Қонун олдида ҳамма тенг. Кимки, давлат ва халқ манфаатига кўз олайтирса, қонун олдида жавоб беради.

Суҳбатдош:
М.ЗАЙНИДДИНОВ



Когон туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бўлими ходимлари фуқаро С.Шарипов хонадонидаги яширин цехда ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларини кўздан кечиришмоқда.

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Саҳифамиз меҳмони Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси



Бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Илҳомжон Латибов билан суҳбат

Иш билганга...

— Илҳомжон ака, 7 ноябр куни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз президенти вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини атрофлича таҳлил қилди. Сессиядан сўнг хаёлингизда нималар кечди?

— Юртбошимиз мамлакат келажагига дахлдор муҳим таклифларни илгари сурди. Бу бизни бор куч ва имкониятимизни ишга солиб меҳнат қилишга ундамоқда.

Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг 10 ойида аниқланган қонунбузарликлар бўйича 330 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 2.188.500.000 сўмлик моддий зарар, солиқ ва жарима ундирилди. 418.500.000 сўмлик товарлар олиниб, 218.071.000 сўмлиги сотилиб, пули давлат бюджетига туширилди. Ҳаммамиз шу юртнинг фарзандимиз. Шундай экан, мамлакатимизнинг равнақи учун ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим.

— Ўзбекистон картасига қаралса, Тошкент вилояти Қозоғистон ва Тожикистон билан салкам 600 километрлик чегарага эгалигини кўриш мумкин. Кўпгина ноқонуний товарлар ана шу чегарадан айланма йўллар орқали олиб ўтилмоқда. Бундай ҳолатларга қарши қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Тегишли идоралар юртимизга ноқонуний йўллар билан товар олиб киришга қарши имконият даражасида курашмоқда. Бу борада жорий йилнинг 10 ойида 264 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 95 та жиноят иши, 169 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан 327.542.300.000 сўмлик товарлар олинган. Жумладан, Бекобод шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ва чегара бўлинмаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда фуқаро У.Имомназаров Тожикистондан 1.865.000 сўмлик 5400 қути сигаретни Бекобод шаҳрида сотиш учун олиб келаётганида қўлга тушди. Ушбу ҳолат бўйича ҳозир тергов ўтказилаяпти.

Кейинги пайтларда мамлакатимизга ноқонуний равишда дориларни олиб келишга уриниш ҳолатлари кўп учрамоқда. Шу йилнинг 8 августида фуқаро Ю.Дадахонова Қозоғистондан юртимизга божхона постларини четлаб ўтиб 5.297.325 сўмлик дориларни фуқаро А.Қорабоевнинг «Москвич» автомашинасида олиб келаётганида ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, судга ўтказилди.

Бемор дардига малҳам топиш учун дори истеъмол қилади. Агар ана шу дорилар қўлбола ёки муддати ўтиб кетган бўлса, беморга акс таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас.

— Ҳар қандай ривожланган мамлакатда ноқонуний пул айланмасига қарши курашга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралади. Бу борада вилоятда аҳвол қандай?

— Ноқонуний пул айланмаси ҳар қандай қудратли давлатнинг иқтисодини издан чиқариши муқаррар. Биринчи даражали тўловлар — нафақа, стипендия, ёрдам пули ва ойлик маошлар ўз вақтида берилиши керак. Ҳисоб рақамида пул бўлса-ю, банкда нақд пул бўлмаса бундан ёмони йўқ. Вилоятимизда бу борада муаммо бўлмаса-да, нақд пул масаласи долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Департаментнинг асосий фаолияти иқтисодиётдаги ноқонуний пул айланмасига қарши курашга қаратилган. Юртбошимиз халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам бу муаммога алоҳида эътибор қаратиб: «...Нақд пул тушумини ўз вақтида банкка топширмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳокимликларга киритилган 142 та тақдимнома юзасидан тегишли чора кўрилмаганига қандай баҳо берса бўлади?», — деди. Дарҳақиқат, жорий йилнинг 10 ойида вилоят бўйича 3.980.600.000 сўм нақд пул тушуми банкларга топширилмаган, 312.100.000 сўмлик товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилган ҳолатлар аниқланиб, 49 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Зангиота туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими 2005 йил 18 февраль куни бошқарма ва божхона ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган текширишда тумандаги «Илм шуъласи» МЧЖда жойлашган «Mary books» МЧЖга тегишли савдо шахобчасида сотувчи Г.Гренкова харидорга чет элда ишлаб чиқарилган китобларни сотиб, чек бермаганлиги маълум бўлди.



Текширувда «Mary books» раҳбари А.Бектаев ва Г.Гренковалар жиноий тил бириктириб, ноқонуний равишда Ўзбекистонга олиб кирилган 2954 хилдаги 62.521.400 сўмлик канцелярия маҳсулотларини сотаётганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. «Тадбиркор»ларнинг ҳар бири 1.959.000 сўм жарима тўлайдиган бўлди. Олинган товарлар давлат фойдасига ўтказилди.

Агар тадбиркорлар қонунга зид иш билан шуғулланмаганида уларнинг фаолиятига ҳеч ким аралашмаган бўларди.

— Илҳомжон ака, қонунбузарларни жазолаш осон. Лекин уларга ҳақ-ҳуқуқини тушунтириш борасидаги ишлар ҳам бугун жуда муҳим. Тўғрими?

— Ҳокимиятда рўйхатдан ўтаётган тадбиркорларга ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам тушунтирилади. Бироқ, ҳамма тадбиркорлар ҳам қонунга бўйсуниб ишлаяпти дея олмайман. Бунга юқоридаги далил ҳам мисол бўла олади. Тадбиркорларнинг кўпчилиги анойи эмас. Ҳуқуқларини яхши билади. Биз уларга қонунга зид ҳаракат яхшиликка олиб келмаслигини юзма-юз мулоқотларда кўп бор тушунтирамиз. Кейинги 3-4 ойда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид бир қатор фармон ва қарорлар эълон қилинди. Уларнинг моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш учун «Тошкент ҳақиқати» газетасида, Ўзбекистон телевидениесининг «ТТВ» канали да чиқишлар қилинди.

Мақсадимиз тадбиркорларни жазолаш эмас, балки уларга кўмаклашишдир.

«Huquq» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
суҳбатлашди

Суратда: ***Вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармасининг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Р.Тилаббердиев ва бўлим ходими М.Миржалиловлар иш устида.***

ХАРЛАМОВНИНГ ҚИЙЛАСИ

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга оид бир нечта фармон ва қарорлар эълон қилинди. Бироқ, айрим тадбиркорлар бошқалар номига хусусий фирма очиб, давлат белгилаган солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, маҳсулот сотишдан тушган нақд пулни банкларга топширмай келишмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида рўйхатдан ўтган «Aleks plus savdo-PA» хусусий фирмаси раҳбари Алексей Харламов ва ҳисобчиси Фарҳод Мирзаевлар Чирчиқ шаҳар ҳокимиятидан шу йилнинг 1 мартида рўйхатдан ўтиб, фирманинг юридик манзилини Чирчиқ шаҳар 8-мавзеси Бобур кўчаси 5-уй 18-хонадон деб кўрсатишади. 2005 йил 9 мартдан 25 мартга қадар фирманинг ҳисоб-рақами орқали 1.965.443.500 сўмни айлантиришади. Бироқ, улар Чирчиқ шаҳар солиқ инспекциясига солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот топширмай, 53.066.900 сўмлик тўловларни тўлашдан бош тортишган.


Шунингдек, улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қалбакилаштириб, спиртли ичимликлар, сигарет ва ёғ савдосидан тушган пулларни банкка топширишмаган.

Фирма директори А.Харламов ва ҳисобчиси Ф.Мирзаевларнинг фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд айбланувчи А.Харламовга нисбатан қонуний жазо белгилади. Ундан 58.372.900 сўмлик солиқ ва жарималар тўлиқ ундирилди.

2005 йилнинг 1 ноябрига қадар амалга оширилган тадбирлар натижасида 8 та ҳолатда 3.383.764.700 сўмлик ноқонуний нақд пул айланмасига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди.

У.УМАРОВ,
Чирчиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи

Тошкент тумани Қозоғистон билан чегарадош. Қозоқ биродарларимиз азалдан ота-боболаримиз билан олди-берди қилиб келишган. Қолаверса, у томонда кўплаб ўзбеклар ҳам яшайди. Мустақилликдан сўнг борди-келдилар қонунлаштирилди. Олиб кетилаётган товарларнинг қонунийлиги текширилади ган бўлди. Бу икки томон манфаатига хизмат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар тотонидан 7.513.070 сўмлик дорилар миз ни «Фишткўприк» аҳоли пункти га олиб келди. Товарни қонуний йўллар билан ўтказадиган бўлса, анчамунча чиқимга тушиб кетади.



«ФИШТКЎПРИК»ДАН ЎТОЛМАДИЛАР

Ўйлай-ўйлай танишлари Ф.Холиқов ва С.Акбаровнинг олдига борди. Хизмат ҳақини келишдилар. Ф.Холиқов дориларни «ВАЗ-2106» машинасида айланма йўллар орқали Ўзбекистонга олиб ўтади. Бу операцияда С.Акбаров бош қаҳрамон бўлади. Чунки у Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБнинг собиқ ходими бўлган. У милиция кийимида барча постлардан эсон-омон ўтиб келаётганида тезкор маълумотлар асосида ушланди.

Яна бир мисол. Фуқаро Б.Каримов 10.056.000 сўмлик унни айланма йўллар орқали олиб келаётганда қўлга тушди.

Ноқонуний йўл билан топилган бойлик ҳеч кимга вафо қилмайди. Буни тадбиркорларимиз унутмаслиги лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан шу йилнинг 1 ноябригача бўлим томонидан 124 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан олинган 587.621.000 сўмлик товарлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Шундан 476.756.000 сўмлиги сотилиб, давлат бюджетига ўтказилди.

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Тошкент туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи

Суратда: бўлим бошлиғи Фарҳод Зуфаров катта суриштирувчи Мирзааҳмад Мирзамаҳмудов билан.



Қибрай туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи А.Мардиев ҳузурида тезкор йиғилиш.

Саҳифа материаллари департаментнинг матбуот гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрланди.

DOLZARB MAVZU

Ҳар бир ишнинг қўш қаноти

Хоразмда сайёҳликни ривожлантириш қай аҳволда? Шу саволга тўлақонли жавоб бера оладиган мақола ёзаман деб ўн кундан буён овораман. Топшириқни олганимга ярим ой бўлаяпти. Белгиланган муҳлатда жўнатолмаганим учун бош мухаррирдан дакки эшитмоқчидай чап қулоғим шанғиллайди. Мен эса ичимни ит тирнаётгандек гоҳ Урганчга, гоҳ Хивага югураман...

«Ўзбектуризм» компаниясининг Хоразм минтақавий бўлимига ташриф буюрганимда, у ердаги масъул ходимлар: «Ёшуллимиз Тошкентга кетган. У кишининг рухсатисиз бирор маълумот беролмаймиз», — дейишди. Ноилож қайтдик. Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» музей-қўриқхонаси маъмуриятига мурожаат қилганимизда улар таҳририят номидан расмий хат бўлсагина интервю беражагини айтишди. Омад биздан юз ўгирганидан нолиниб, «Ўзбектуризм» компаниясининг Хоразм минтақавий бўлими раҳбари Равшан Қурбоновнинг пойтахтдан қайтишини кутишдан ўзга чора йўқлигини англаб етдик. Ва ниҳоят орадан бир ҳафталар чамаси вақт ўтгач, у киши билан телефон орқали гаплашдик. «Эртага ўнлар атрофида идорага келсангиз, зарур маълумотларни оласиз», — деди Равшан ака. Ишлар илгари силжий бошлаганига шукур қилиб эртасига айтилган вақтда «Ўзбектуризм» бўлимига етиб бордим. Масъул ходимлар мени «Хоразм-Палас» меҳмонхонасига бошлаб борди. Р.Қурбонов бу ерда ҳам менежерлик қилар экан.

Шинамгина қабулхонада котибанинг қош-қовоғига термулганча соат 11^{15} гача ёшуллини кутдик. Келишилган вақтда келмагани учун безовталаниб, котибадан раҳбарининг қўл телефони рақамини сўрадик. Котиба мулойимлик билан: «Шеф» бизга соткасининг рақамини айтмайди. Биз кичкина одаммиз!» — деди. Р.Қурбоновни узоқ кутиб, охири ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларига мурожаат қилиб, Хоразмда сайёҳликни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар қай даражада эканидан воқиф бўлдик. Берилган маълумотларга кўра, 2004 йили Хоразм вилоятига 22 мингдан ортиқ хорижий меҳмон ташриф буюрган экан. Жорий йилнинг 1 октябрига қадар эса 16.679 сайёҳ Хивани томоша қилишга келиб-кетган. Бу рақамлар, албатта, вилоятда сайёҳликни ривожлантириш ишлари ҳали яхши эмаслигидан дарак беради.

Бир пайтлар (аниқроғи 1980 йилларда) Хоразмга 1 миллион сайёҳни қабул қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилгани кўпчиликка маълум. Бироқ мавриди келганда ҳақ сўз билан хешингни ҳам аяма деган нақлга амал қилиб айтадиган бўлсак, ўшанда воҳага 1 миллион чет эллик меҳмонни жалб қилишни хаёл қилганлар ҳам, бугун бир йил давомида бор-йўғи 22 мингдан зиёд сайёҳни қабул қилиб, ишни дўндирдим деб ўтирганлар ҳам кишининг кулгусини қистайди. Негаки, 1 миллион сайёҳни қабул қилиш учун вилоятда халқаро стандартларга мос равишда фаолият юритувчи 30 та ресторан, 300 дан кўп гид, 300 дан зиёд махсус автомобил зарур бўлади.

Шунингдек, минг бир эртаклар шаҳри деб эътироф қилинган Хивага йил мобайнида атиги 22 мингдан зиёд чет элликнинг томошага келиб-кетиши 1 миллион 200 минг нафар аҳолиси бўлган Хоразм учун уят ҳисобланади. Ахир Италия, Греция, Миср, Туркия каби давлатлар сайёҳликни ривожлантириш эвазига фаровонликка интилмоқда-ку! Индонезия, Малта, Шри-Ланка ва Гавайи оролларининг аҳолиси оламнинг турфа бурчакларидан келувчи сайёҳларга этнографиясини намойиш қилиш орқали даромад олаётгани сир эмас. Бизнинг Хоразмда эса намойиш қилишга арзийдиган тарихий жойлар ҳам, этнографик мерос ҳам етарли. Бироқ сайёҳларни жалб этиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги қайд қилинган рақамлардан ҳам кўриниб турибди.

«Дўстлик» ордени соҳиби, таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев Хивага ташриф буюрганида деган эди: «Бу ўтмиш обидаларини бир-икки кун ичида айланиб, томоша қилиб улгуриб бўлмайди. Ичанқалъани мукаммал ўрганаман деган инсон бу ерда эринмасдан бир ой яшамоғи керак».

Дарҳақиқат, тоғ ва денгизлар ошиб диёримизга томошага келган сайёҳ ҳам кўрганини ўрганишни, тарихини, ривоятини эшитишни хоҳлайди. Аммо узоқ муддат яшаши учун воҳадаги шароит уларни қониқтириши даргумон.

— Энг аввало, — дейди «Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бўлими раиси, тарихчи ўлкашунос Комил Нуржонов, — малакали гидларни тайёрлаш зарур. Хивада хизмат қилувчи ҳар бир гид олий маълумотли, университетнинг тарих ва география факултетларида ўқиган, шунингдек, миллий урф-одатларимизни чуқур биладиган инсон бўлиши лозим. Афсуски, бугунги кунда меҳмонларга ровийлик қилувчилар шуурида ўтмишга совет даври одамларига хос муносабат мавжудлигини англаш қийин эмас. Тўғри, тарих жамиятнинг янгиланишига қараб ўзгармайди, тусланмайди. Лекин СССР даврида ўтмишни, айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихини бузиб кўрсатиш, феодал тузум иллатларини бўрттириб кўрсатиш ҳолати бўлганини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Воҳада тирик энциклопедия деян олган жонкуяр олим К.Нуржоновнинг фикрига қўшилмасдан иложимиз йўқ. Чунки Хивадаги туризм коллежини тугатаётган барча йигит-қизлар ҳам аввало чет тилини, ундан кейин тарих ва географияни, энг муҳими эса миллий урф-одатларимизни мукаммал билади деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боис Урганч давлат университетининг жаҳон тиллари ёхуд тарих ва ҳуқуқ факултети қошида гидлар тайёрловчи бўлим ташкил этилса айни муддао бўлар эди. Ушбу университет базасида олий маълумотли тарих, география ёки чет тили ўқитувчиларини гидлик йўналишида қайта тайёрлаш курслари очилса, ишлар янада самаралироқ кечган бўлар эди.

Ҳозирги кунда сайёҳларга йўлбошловчилик қилаётганларнинг маълумоти, савиясини ўрганиб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётир. Мутахассисларнинг таклифига кўра Хивага келаётган меҳмонларга гидлик қилувчиларнинг маъруза матнларини тасдиқдан ўтказувчи, уларнинг билим ва тажрибасини назорат қилиб борувчи махсус комиссия фаолият кўрсатиши лозим. Мазкур комиссия УрДУ, Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими, Хоразм-Маъмун академияси ёки «Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бўлими қошида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг таркибидан тарихчи-ўлкашунос ва тилшунослар ўрин эгалласа сайёҳлик хизматининг ижтимоий жиҳатини юқори даражага кўтаришга эришилади.

Маълумки, Хоразмда 200 га яқин кўҳна обидалар сақланиб келинмоқда. Улар ҳақидаги холис ҳикоялар кишида чуқур таассурот қолдириши табиий.

Дарвоқе, сайёҳлик хизмати эвазидан мўмай даромад топаётган давлатлар талайгина. Биргина Италия ва Греция аҳолисининг ҳар бирига йилига иккита сайёҳ тўғри келар экан. 1 миллион 200 минг аҳолиси мавжуд Хоразм йилига 300 минг сайёҳни қабул қилишга эришолса, кўпгина муаммолар ечимини топган бўлар эди. Аҳоли зич жойлашган бу минтақанинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — тарихий обидаларнинг комплекс жойлашганлигидир. Бу томоша қилувчилар учун катта қулайлик туғдиради. Мезбонлар Ўрозметова. — «Супса», «Чоғолла», «Норим-норим», «Қайроқ» каби рақслар антик санъат намуналари ҳисобланади. Менимча, «Хоразм-рақс» санъаткорларининг репертуарини сайёҳларга тақдим этиб бориш лозим.

Хорижликларнинг асил нарсаларга иштиёқманд бўлиши сир эмас. Буни яхши билган Г.Матёқубова: «Биз гуруҳимиз билан Ҳиндистонга борганимизда халқаро рақс фестивалида куй, қўшиқ ва рақсларимиз билан биринчи ўринни олган эдик, — дейди. — Аммо ҳайвот аъзолари либосларимизни кўриб, булар ҳамласи сунъий, қиммати йўқ ялтироқ-юлтирлар-ку дейишганди. Қанийди қадимги Хива тангаларидан нусхалар олиб, бизга тақинчоқ ясаб берадиган артеллар фаолият юритса. Ана шунда чет эллик-ларнинг эътиборини кўпроқ жалб қилиш мумкин».



Ичанқалъа ва Дишанқалъанинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир обидаси саҳнида хорижликларнинг чўнтагидаги валютани ҳалол хизматлари эвазига қўлга киритиши мумкин. Бунинг учун бугунги сайёҳлик хизматини тубдан ислоҳ қилиш жоиз. Энг аввало Хивада, айниқса, «Ичанқалъа» музей-қўриқхонасида этнографик манзарани ташкиллаштириш муҳим масала. Бу ерда хизмат қилувчи ҳар бир ходим, у гидми, сотувчи, суратқаш ёхуд фаррошми, миллий кийимда бўлмоғи керак.

— Ҳар бир хорижлик меҳмон сирли ва ҳикматли Шарққа ташриф буюрганини ҳис этмоғи даркор, — дейди К.Нуржонов. У кишининг фикрини тасдиқлар экан, тарих фанлари номзоди, Хоразм-Маъмун академиясининг катта илмий ходими Гулором Машарипова шундай дейди:

— Япония ёки Индонезияга бориб қолган одам маҳаллий халқ йўғонгина илонни ушлаб туриб боши ва думини қирқиб ташлаши-ю, қозонга солиб беш дақиқада пишириб олдига қўйганига шоҳид бўлади. Бу сайёҳ учун ҳайратланарли бўлса, мезбон учун даромад, бу томошаси учун у ҳақ олади. Ҳиндистон ва Шри-Ланкада эса илон, йўлбарс, маймун ва ҳатто шер ўйнатиб муҳлисларни маҳлиё этадилар. Бу ерда шомонларнинг олов билан боғлиқ томошаларини киприк қоқмай кўриш мумкин.

Хўш, бизнинг урф-одатларимиз, этнографиямизнинг оҳанрабоси уларникидан кучлироқ эмасми? Нега Ичанқалъа майдонларида қўққор уришториш, хўроз чўқиштиришларни ташкил қилишга ҳеч ким эътибор бермаяпти? «Хива дорбозлари» гуруҳи ва «Достон» фолклор ансамблини ҳисобга олмаганда қадимий санъатимиз, спортимизни, урф-одатимизни тарғиб қиладиган кучлироқ жамоа ҳали майдонга чиққани йўқ.

— «Хоразмрақс» бирлашмаси раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова энг қадимий ўйинларни қайта тиклаб, шогирдларига ўргатиб келмоқда, — дейди Урганч шаҳар халқ таълими бўлимида ташкил этилган «Ижодкор аёллар» клуби раҳбари Қурбонбека Хуллас, бу борада таклифлар мўл, уларни дўппини бир четга қўйиб тинглайдиганлар эса ҳозирча анқонинг уруғи. Айни пайтда «Ўзбектуризм» компаниясининг Хоразм минтақавий бўлими сайёҳларни фақат Хивага олиб бориш билан чегараланаётгани ачинарли ҳол, албатта. Фанда «қадимги Хоразм тарихининг олтин ҳалқаси» деган ибора мавжудки, у билан хорижликларни таништириб бориш ҳам даромад, ҳам ўзбек давлатчилигининг шаклланиш босқичлари, аждодлар салоҳиятини тарғиб қилиш ҳисобланади. Мазкур олтин ҳалқа Хивадан бошланиб, 50 дан ортиқ кўҳна қалъалар, истеҳкомларда давом этади ва ниҳоят тарихи 3 минг йилга яқин Ҳазораспда тугайди. Бу олтин ҳалқалар атрофида сайёҳларга хизмат қилувчи кемпинглар ташкил қилиш учун тадбиркорларга имконият яратиб бериш шарт.

Воҳамизнинг остонасида «Хоразм пирамидалари» деб ном олган «Уч ўчоқ» маскани бор. Миср эҳромларини инсоният бунёд қилган бўлса, «Уч ўчоқ» табиат маҳсули. Унга яқин жойда Шарофат қалъаси бўлиб, айни пайтда унда қазиш ишлари давом этмоқда. «Уч ўчоқ»нинг тепасига чиқиб 40-50 километрлик атрофни томоша қилиш мумкин.

— Сайёҳлик хизматини ривожлантиришда вилоятимиз Бухородан орқада қолаяпти, — дея гурунгни давом эттиради Комил Нуржонов. — Бунга сабаб Хоразмнинг пойтахтдан 1200 км олисдалигидир. Бухородан автомобилда йўлга чиққан сайёҳлар Урганчга етиб келгунча 8-10 соатлик йўлда толиқиб қолиши турган гап. Агар «Уч ўчоқ»да сайёҳлик мажмуи ёки кемпинг қурилса, муаммолар бироз енгиллашарди. Бу ерда табиат қўриқхонаси ҳам бор. Амударёнинг «Дулдул ҳатлаган» дея номланмиш делтасини томоша қилишнинг ўзи завқли.

К.Нуржоновнинг 40 та эшак ва от, 15 туя ҳақида айтган фикри, балки баъзи бировларга кулгули туюлар. Лекин «Кемпинг атрофида 40 эшак, от ва 15 туяни яхшигина безаб, эгарлаб қўйилса, қайси ғарблик уни миниб, қумда сайр қилишга майл билдирмайди» деганида муҳтарам олимимиз ҳақ эди.

Янглишмасам, ўтган йили Хивага келган Жанубий Корея давлати прокурори Қорақум этагида тикилган ўтовни бориб кўрганди. У ердаги туялардан бирини миниб, қумда бироз сайр қилгач, «Ўзимни Буюк ипак йўлида юргандек ҳис қилдим», — деганди.

Шарқ нафақат одамларининг урф-одатлари, балки географияси, табиати, ҳайвонот дунёси билан ҳам ҳайратланарлидир. Бу ҳақда «Ўзбектуризм»нинг Хоразм минтақавий бўлими раҳбарияти ўйлаб кўрса айни муддао бўларди.

Сайёҳлик хизмати рисоладагидек бўлиши учун аввало меҳмонхоналардаги шароит ҳам кўнгилдагидек бўлмоғи керак. Ҳозирги кунда Хоразмда кўплаб меҳмонхоналар ишлаб турибди. Шулардан 15 таси Хиванинг ўзида жойлашган. Вилоят марказида эса чет эл стандартларига жавоб бе-радиган «Хоразм-Палас» меҳмонхонаси мавжуд. 1991 йилда ишга тушган «Жайҳун» меҳмонхонаси 560 ўринга мўлжалланган. Бироқ бинони хусусийлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг чўзилиши туфайли «Жайҳун»да хизмат кўрсатиш даражаси тушиб бораётгани сир эмас. Хоналарнинг қишда совуқ бўлиши, етарли тоза ичимлик ва иссиқ сув билан таъминланмаслиги оқибатида мижозлар сони камайиб бормоқда. Хивадаги «ТЭК-Хива», «Азия-Хива», «Арқончи», «Собир арқончи» каби хусусий меҳмонхоналар сайёҳлар дидига мос келаяпти. Бироқ айрим хусусий меҳмонхоналарда ювиниш ва истеъмол қилишга сифатли тоза сув етишмаслиги эътирозга сабаб бўлаётганини хорижлик меҳмонлар билан суҳбатлашиш жараёнида билиб олдик.

«Ўзбектуризм» компаниясининг вилоятдаги минтақавий бўлими фаолиятини тараққий эттиришнинг яна бир омили хорижий сайёҳлардан ташқари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида яшовчиларни саёҳат ва зиёратга жалб этишдир.

Дарвоқе, ҳар бир соҳанинг ривожланиши учун реклама ва тарғибот катта аҳамиятга эга.

— Мен Малта ва Ирландияда бўлганимда, — дейди ҳамкасбимиз Раҳмон Отажонов, — жаҳоннинг турли бурчакларидан у ерга борган инсонлар билан суҳбатлашганман. Уларнинг аксарияти биздаги тарихий жойлар, айниқса, Хива ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Мен «Хива — очиқ осмон остидаги музей. У ерда қадимий обидалар кўп» деганимда улар «Нега унда реклама роликларини жаҳонга чиқармайсиз, маълумотларингизни каталогларда бермайсиз?» деб қолишарди.

Демак, реклама ва тарғибот ишнинг қўш қаноти. Бунга Р.Қурбонов енг шимариб киришади деган умиддамиз.

Эрпўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

SUD OCHERKI

Ҳаромдан ҳазар қилмаганлар



Мирқобил оила аъзолари билан жанжаллашиб қолгач, уйда ортиқ ўтира олмаслигини сезди-да, кўчага чиқди. Алламаҳалгача айланиб юрди. Энди нима қилиш ҳақида ўй сураркан, биринчи галда пул топиш керак деган тўхтамга келди. Назарида бунинг энг осон йўли мардикорлик қилиш эди. У тўғри Келес шаҳридаги ёлланма ишчилар йиғиладиган жойга йўл олди. Бу ерда анча-мунча одам бор экан. Орадан ўтган уч-тўрт куннинг ичида Мирқобил шу яқин орадаги уйда ўзи каби ижарада яшаётган шериклари билан яхшилаб танишишга улгурди. Эрталаб ишга чиқиб кетишади. Кечқурун яна бирга қайтишади. Хонадон эгаси Иброҳим ота ҳам ёмон одамга ўхшамайди.

Ҳаш-паш дегунча декабр ҳам келиб қолди. Кунларнинг бирида кечки пайт Мирқобил хамхонаси Мақсуд ҳамда ўзини Анора деб таништирган бир қиз билан айланиб келиш баҳонасида юриб-юриб Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғидаги иссиқконалардан бирининг ёнида пайдо бўлишди. Индамай ичкарига кириб кетган Анора тезда қайтиб чиқди:

— Ичкарида биттагина одам бор экан. Бу ҳам бўлса бахтимиз. Ҳозир мен ичкарига кириб, чироқни ўчирган заҳотим, сизлар кирасизлар.

Аёл кишининг мақрига ким ҳам илинмаган. Иссиқонада ёлланиб ишлаётган Беҳзод ҳам шуларнинг бири бўлди шекилли, кўп ўтмай чироқ ўчди. «Парол»ни кўрган Мирқобил билан Мақсуд шу заҳоти ўзларини ичкарига уришди. Мирқобил «ишкал» чиқаришга баҳонани ҳам шу заҳоти ўйлаб топди.

— Ўв, менга қара! Тинчликми? Нимага қизимга шилқимлик қиласпсан?

— Йўғ-эй, нималар деяпсиз, ака? Қанақа шилқимлик?

— Ҳозир кўрсатаман қанақа шилқимлик эканлигини...

Беҳзод шундай дея тўсатдан ташланган Мирқобилдан ўзини ҳимоя қилишга тушди. Мирқобил унга бир-икки мушт тушираркан, қаердандир қўлига илинган пичоқни силтаб юборди. Беҳзод кесилган қўлини ушлаганча, жон-ҳолатда ташқарига югурди.

«Қоровул» қочиб кетгач, «меҳмонлар» ичкарини кўздан кечира бошладилар. Ҳар қанча қидиришмасин, эскигина телевизордан бошқа қўлга илинадиган нарса топилмади. Ўлжани арзимаган нархга пуллаб, ошга харажат қилиб келишди-ю, эртасига ижара уйда ош дамлаб, биринчи «иш»ни ювишга киришишди. Таомдан кейин Мирқобил ош ниманинг ҳисобига эканлиги ҳақида айтиб, мақтаниб қолди.

— Эй, укагинам, — Мирқобилнинг гапларини эшитиб ўтирган Кўпайсин пиёладаги чойдан ҳўплар экан, гап қотди, — шунча ҳаракатингнинг самараси битта ош экан-да.

Миқобил бироз қизишиб жавоб берди:

— Нима қилибди? «Зато» масза қилдик.

— Масза қилишга қилдик-ку-я...

У айтсамми ё йўқми дегандек бироз жим турди-да, давом этди:

— Гапинг тўғри. Раҳмат. Мен ишлаганга яраша тузукроқ ҳаракат қилиш керак демоқчи эдим.

— Масалан?

— Масалан, Тошкентда тирикчилик қилиб юрганимга ўн йилдан ошди. Эҳ-ҳе, нима ишлар қилмадим? Орада неча марта озроқ бўлса-да ўтириб ҳам чиқдим. Майли, гап бунда эмас. Иш қилгандан кейин каттароқ қилиш керак дейман-да. Мана, ўтган ойда болалар билан янги участкаларнинг биридан арматура билан уголник олиб чиқиб, биттасига ўтказвордик...

Хуллас, шу куни улфатлар бундан кейин бирга ишлашга келишиб олишди.

Навбатдаги «ов»га декабр ойининг охирларида чиқишди. Уларнинг бу «сафар»идан кейин Собир Раҳимов туманидаги қуриб битказилмаган иморатнинг эгаси уч-тўрт кундан кейин келиб, пол учун тайёрлаб қўйган 15 дона тўсинини роса қидирган бўлса керак.

2005 йил ҳам гуруҳ учун ёмон бошланмади. 4 январ куни кечаси фуқаро Н.Умаровга тегишли сигир кўп ўтмай янги эгасининг оғилида кавш қайтариб ётар эди. Қорамолнинг эвазига келган 120 минг сўмдан 50 мингини М.Мирсаъдиев билан М.Муҳаммадиевлар ўзларида олиб қолиб, 20 мингини Ғ.Элов, К.Маҳмадиев, М.Ашурова ҳамда Анорага бўлиб беришди. Орадан уч кун ўтгач, гуруҳ аъзолари яна бир чала иморатнинг ёнида пайдо бўлишгач, бу ердан 45 дона тахта ғойиб бўлди. 500 минг сўмлик тахталар атиги 160 минг сўмга пулланди. Бу маблағ икки ҳафталарга етди. Гуруҳнинг «юриши»дан Мирқобилнинг қариндоши ҳам бенасиб қолмади. Шу куни хотинини касалхонага олиб кетган М.Мирсаъдиев уйига келиб, рангли телевизори-ю, хўроз билан товуғини тополмай роса хуноб бўлди.

Шу воқеалар бўлиб ўтаётган кунларда Собир Раҳимов туманидаги хонадонлардан бирининг эгаси бўлмиш А.Сайдуллаев қўшни вилоятдан байрам баҳона пойтахтга сотиш учун қўйларини олиб келган чўпонларни уйига ижарага қўйган эди. Ярим кечаси моллардан хабар олгани ташқарига чиққан хонадон эгаси қўйхонада чўпонларнинг қўйлари йўқлигини кўриб, эсхонаси чиқиб кетай деди. Шошапиша уйғонган чўпонлар 5 та қўйнинг йўқлигини кўриб, ҳайратда қолдилар. Шу куниёқ умумий нархи 550 минг сўмлик қўйлар атиги 100 минг сўмга пулланди...

Ҳар нарсанинг охири бўлганидек, кўп ўтмай бу гуруҳнинг ҳам фаолиятига чек қўйилди. Суд ҳукми ўқилди. Аммо одамга таъсир қиладиган жиҳати, ушбу «шоввоз»ларга уйидан жой берган Иброҳим аканинг қилмишидир. Гуруҳ аъзоларининг аксарияти у кишига фарзанди тенги бўлишига қарамай, ўғирланган молларнинг деярли барчасини шу одам арзимаган пулларга сотиб олган. Гарчи у тергов жараёнида бўлганини ўғирланганидан бехабарлигини айтган бўлса-да, ҳар бир соғлом фикрли одам бу нарсалар нима учун бунчалик арзонга сотилаётганидан шубҳаланиши табиийдир.

Алишер МИНГБОЕВ,
Собир Раҳимов туман прокурорининг ёрдамчиси

EHTIYOT BOLING, FIRIBGAR!

КУАЛА-ЛУМПУР кўчаларида



Барча мутасадди идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан доимий огоҳлантиришларга қарамай, хориждан сердаромад иш топиб берувчи фирибгарлар алдовига чув тушиб, бегона юртларда саргардон юрган юртдошларимиз сони камаймаяпти. Уларнинг соддалиги, ишонувчанлиги ва энг асосийси, мавжуд қонун-қоидалардан хабарсизлигидан фойдаланаётган фирибгар тоифалар эса ҳаром бойлик тўплаш билан овора. Турган гапки, вақти келиб улар қонун ва виждон олдида жавоб берадилар. Қуйида Малайзиядан иш топиб бериш ҳақидаги чўпчаги билан бир қанча ҳамшаҳарларимизни алдаб келган эр-хотин фирибгарлар ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, хориждан миллионларни ишлаб келиш орзусида юрган ёшларимизни яна бир бор ҳушёрликка чақирмоқчимиз.

— Мени ҳозирда кўпайиб кетган фирибгарлардан биттаси деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасизлар, — Зумрадхон (исмлар ўзгартириб берилмоқда) шундай деб сумкачасидан бир даста фотосурат чиқариб ўртадаги стол устига ташлади. — Булар Куала-Лумпурда тушилган суратлар. Куала-Лумпур, мен сизга айтсам, Малайзияга пойтахт бўлади. Бу шаҳарни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз.

Айни вақтдан бери бу сўзамол аёлнинг Малайзия, у ердаги таниш-билишлари, жумладан, эри Расулжоннинг ойига неча минг доллар маош олиб ишлаётгани ҳақидаги ҳикоясини эшитиб ўтирганлар биргалашиб фотосуратларни томоша қила бошлашди.

— Мана бу расмга эрим билан Куала-Лумпурнинг энг зўр ресторанида тушганмиз. Мана булар эса дунёдаги энг баланд бинолар. — Зумрадхон фотосуратдаги одамлар ва жойлар ҳақида шундай гапирар эдики, эшитганларнинг Малайзияга бориш орзусига берилмай иложи йўқ эди, — гап фақат саёҳатда эмас, пул ишлаб келишда. У ерда оғир ишнинг ўзи йўқ экан, прогресс кучли-да. Арзимаган иш учун ҳам кўп маош тўлайди. Бир икки йил ишлаб келган одам ўшани ётиб есаям умрининг охиригача етади.

Бу таърифлар ширин орзуларига берилиб кетган аёлларни қармоққа илинтирди. Фақат қармоқни тортиш қолди.

— Агар кимнинг эри ўша юртга ишлагани бормоқчи бўлса, ёрдам беришим мумкин.

— Харажати кўп эмасми?

— Бир ойда чиқариб олишади. Гап фақат яхши иш топишда.

— Ойлиги зўр иш топиш осонмасдир-ов...

— Худди шу масалада эрим ёрдам бериши мумкин. Боя айтдим-ку, эрим кетганига уч йил бўлди, бир-иккита «босс»ларнинг ишончига кириб қўйган. Илтимоси ерда қолмайди.

Бундай кучли реклама натижасиз қолмади. Эрларини чет элда ишлашга кўндираолган аёллар, иш қидириб юрган эркаклар Зумрадхонни қидириб кела бошлашди. Уни қидириб келмаганларни у қидириб борди. Алдаб-авраб кўндирди.

Режаси амалга ошаётганидан хурсанд бўлиб, интернет орқали эрининг электрон почтасига «Ҳаммаси ўйлаганимдай кетаяпти. Яқинда уч-тўрттасини олиб бораман. Тайёр туринг», қабилида хабар жўнатди...

Эр-хотинларнинг фирибгарлик одиссеяси шу тариқа бошланди.

Зумрадхон ўзи билан Тошкентдан ишлаш учун чиққан йигитларни олиб самолётда Малайзияга учар, у ерда эса эри Расул уларни кутиб олар эди.

Соддаларнинг пулини Тошкентда хотини, бу ерда эри шилиб олди. Уларнинг фирибини тушунгунга қадар эр-хотин ҳар бир «муҳожир меҳнаткаш»нинг анча-мунча пулини ўзлаштириб улгурар эди. Ишлайман, пул топаман деб борган йигитлар эса Тошкентга келишга ҳам пул топа олмай қолар эди.

Визалар сохта бўлиб чиқар, уларни фалон пулга тўғирлаб берган Расул эса қорасини ҳам кўрсатмасди. Иложини қилганлари бир амаллаб иш топишар, иш топа олмаганлари Куала-Лумпур кўчаларида саргардон қолаверишарди. Бу узоқ давом этиши мумкин эмасди. Олижаноб одамларнинг ёрдами билан Тошкентга қайтиб келган йигитларнинг ўзлари ёки оила аъзолари ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилгач, фирибгарнинг асл қиёфаси очиб ташланди.

А.ҚАЛАНДАРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси

JINOYAT VA JAZO

КИСЛОТАФУРУШЛАР

Агрокимёдан озгина бўлсада хабардор киши «Борная кислота»нинг қандай аҳамиятга эгалигини яхши билади. Бу кислотанинг қандай мақсадларда ишлатилишига тўхталиб ўтирмай, у билан боғлиқ бир қонунбузарлик қандай содир этилгани, қонунбузарнинг қандай қилиб тумшуғидан илингани ҳақида ҳикоя қилсак.

Шокир ака ва унинг ўғли Фарҳод (исмлар ўзгартириб берилмоқда) тижоратларидан нолимаса ҳам бўлар эди. Уларга қарашли масъулияти чекланган жамият — фирма бинойидай фаолият кўрсатиб келмоқда эди. Бироқ ота-бола бунга қаноат қилмаган шекилли, тижоратнинг ноқонуний йўлларини қидириб қолишди.

Россиядан келтирилган «Борная кислота»ни сотиш пайида юрган кезларида харидор деганлари ўз оёғи билан келиб қолди.

Молни кўрган харидор ундан озгина намуна олиб кетди. Телефонда намуна яхши чиққанлигини, кислотанинг ҳаммасини, яъни 362 кг. маҳсулотни олишини маълум қилган харидорга Фарҳод олди-сотдини доллардa амалга оширмоқчилигини шаъма қилди.

Эртаси куни келишилган жойга юкни олиб чиққан ота-ўғлининг кўзлари олазарак эди. Сабаби, улар қонунга хилоф иш қилишаётганларини, савдо қоидаларини бузаётганларини жуда яхши билишарди. Начора, нафс одамни ҳар кўйга солади. Харидордан нақд 2 минг АҚШ долларини санаб олаётганларида «иш силлиқ битди» дегандай ота-бола бир-бирларига мамнунлик билан қараб қўйишди. Мамнунлик ўрнини бир зумда афсус эгаллаши ҳам ҳеч гап эмас.

Ноқонуний равишда олди-сотди қилаётган тожирлар кутилмаганда текширув эълон қилган СВОЖККБ ходимларини кўрганларида худди шундай бўлди.


Ота-бола тадбиркорлар бундан ташқари ҳам анча-мунча ноқонуний товарлар олди-сотдиси билан шуғулланган текширувлар давомида аниқланган.

Суд «кислотафурушлар» ишини кўриб чиқар экан, қонунбузарларга қилмишига яраша жазо белгилади. Хулоса шуки, қинғир ишнинг бир куни қийиғи чиқади.

Р.ИБОДУЛЛАЕВА,
Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси

XALQARO HAMKORLIK

Ўзбекистон-Россия:



Абадий дўстлик, абадий ҳамкорлик йўлида

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Россия Федерациясининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон-Россиянинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати бир-бирига яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва интилишлари муштарак. Мамлакатларимиз кўпгина соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайиришдан манфаатдор. Муносабатларимизнинг тобора яхшиланишида 2004 йил 16 июн куни Тошкентда имзоланган Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома катта аҳамиятга эгадир.

И.Каримов ва В.Путин ўртасида қарор топган юксак даражадаги дўстлик алоқалари ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб берди. Мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан мулоқот қилиш учун яхши имконият яратмоқда. Ўзбекистон-Россия муносабатлари кўпгина жабҳаларда ривожланиб бормоқда. 2004 йили икки давлат раҳбарлари етти марта учрашган бўлса, бу йилнинг ўзида беш марта олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Кейинги йилларнинг ўзида Россиядан мамлакатимизга қарийб 40 га яқин делегациялар ташриф буюрди.

2004 йил июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома 2005 йил 14 ноябр куни имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома учун яхшигина пойдевор вазифасини ўтади. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, хусусан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий жабҳаларда муносабатларни янги босқичга кўтаришга қаратилган эди. Ушбу муносабатлар ҳарбий техника етказиб бериш, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳарбий таълим, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ахборот алмашиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг келишувига мувофиқ, мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизмга, наркобизнес ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка, қурол-аслаҳаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасида яқиндан ҳамкорлик олиб бормоқда. Айнан ушбу ҳамкорлик доирасида 2005 йил 21-23 сентябр кунлари «Фориш» полигонида илк бор Ўзбекистон ва Россия ҳарбий қисмларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди.

Ушбу ҳарбий машқлар муҳим халқаро аҳамиятга ҳам эгадир, чунки Афғонистонда наркотик моддалар ишлаб чиқариш суръати ва ҳажми ошиб бораётгани сир эмас, албатта. Наркотикдан олинган даромаднинг асосий қисми халқаро терроризм ва диний экстремизмни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Айнан шу жиҳатдан ёндашганда, Ўзбекистон ва Россиянинг биргаликдаги ҳарбий машқлари терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатларимиз сиёсий жабҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириб, халқаро майдондаги ҳамкорликни ривожлантириб бормоқда, ижтимоий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Ўзбекистон-Россия савдо иқтисодий муносабатлари халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, суғурта тизими, банкмолия соҳасидаги ҳамкорлик изчил тараққий этиб бормоқда.

Мисолларга назар ташлайлик. Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган 400 дан кўпроқ қўшма корхона ишлаб турибди. Булар озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик саноати каби кўплаб бошқа муҳим соҳаларда иш олиб бормоқда.

Россия Федерациясида мамлакатимиз сармояси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизнинг кўплаб вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Мамлакатимизда Россиянинг 85 га яқин фирма ва компанияси ўз ваколатхоналарини очган.

Ўзбекистон газ ва нефт заҳираларига бой давлатдир. Шу йилнинг 26 сентябр куни Президентимиз Россиянинг «Газпром» ОАЖ бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилган эди. Маълумки, «Газпром» улкан салоҳиятга эга, истиқболли компаниядир. Ёнилғи-энергетика мажмуи мамлакатимиз билан Россия ўртасидаги изчил тараққий этиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинини ташкил қилади. Ёдингизда бўлса, 2002 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ўтган йили Ўзбекистондан Россияга 7 миллиард куб метр газ экспорт қилинган бўлса, 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Ўрта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

Ана шу ҳужжатга мувофиқ ўтган йили Ўзбекистондан Россияга 7 миллиард куб метр газ экспорт қилинган бўлса, 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Ўрта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

«Газпром» билан Уст-Юрт минтақасидаги газ конини ўзлаштириш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам битимлар тузилган. Бу ҳужжатлар доирасидаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Оз-моз «Газпром» ҳақида. «Газпром» дунёдаги йирик компаниялардан бири бўлиб, жаҳонда қазиб олинаётган газнинг 20 фоизи, Россия Федерацияси газиниг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

«Газпром» газ, нефт ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштириб турибди. «Газпром»нинг экспорт қилаётган гази Ғарбий Европа эҳтиёжининг 33 фоизини, Шарқий Европа эҳтиёжининг 80 фоизини қоплаб келмоқда.

Албатта, бундай йирик компания билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун ҳар томонлама фойдалидир. Мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятидадир.

Албатта, савдо-иқтисодий алоқаларимиз бошқа соҳаларда ҳам равнақ топиб бормоқда. Ўтган йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилгига қараганда 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шу йил якунига кўра, Ўзбекистон-Россиянинг ўзаро савдо ҳажми 2 млрд. доллардан ошиши кутилмоқда. Бу иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада муҳим бир далил билан мустаҳкамлаш керак. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Газпром» ОАЖ лари ўртасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатимиз нефт-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф даромад киритилишини кўзда тутади. Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон раҳбарининг 2005 йил 14-15 ноябр кунлари Россияга қилган расмий ташрифи мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Таъкидланганидек, расмий ташриф чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди, шунингдек, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан Россиянинг Наркотиклар айланишини назорат қилиш бўйича федерал хизмати ўртасида наркотик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Мақсадлар аниқ, ният эзгу, амалий ишлар, орзуларнинг ушалиши ҳам шу ҳужжатларнинг нечоғлик ҳаётга татбиқ этилишига боғлиқ бўлиб қолсин.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

JINOYAT OLAMI

Киднеппинг (инглиз. kidnapping) сўзи инглизчадан таржима қилинганда бола ўғирлаш маъносини беради. Бироқ охирги пайтда халқаро юридик адабиётларда ушбу атама одам ўғирлаш маъносида ишлатилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилигида бу ибора ишлатилмайди. Сўнгги йилларда жиноий фаолиятнинг киднеппинг тури тобора ривожланиб бораяпти. Ҳар йили дунёда пул эвазига қайтариш мақсади билан 10 мингга яқин одам ўғирлаб кетилади.

Киднеппингдан 800 миллион даромад



Мазкур жиноят тури энг кўп тарқалган давлатларга Россия, Колумбия, Мексика, Бразилия, Филиппин, Венесуэла, Эквадор, Нигерия, Ҳиндистон ва ЖАР киради. Бу борадаги аҳвол АҚШ, Қозоғистон, Саудия Арибистони, Германия, Полша, Сурия, Аргентина, Перу, Индонезия ва Ливанда ҳам жуда оғир. Киднеппинг жинояти кам учрайдиган ривожланган мамлакатларга Швеция, Франция, Ирландия, Португалия, Чехия, Венгрия ва Исроилни мисол қилиш мумкин.

Киднеппинг жинояти Совет иттифоқининг тарқалганидан сўнг авж олди. Чунки СССР дунёдаги аксарият революцион ташкилотларни маблағ билан таъминлаб турарди. Иттифоқ тугаши билан мазкур ташкилотларда маблағ танқислиги бошланди. Шундан сўнг улар пул топишнинг бошқа йўлларини излашга мажбур бўлдилар ва киднеппинг асосий даромад манбаига айланди.

Британия таҳлил марказининг (FPC) таъкидлашича, бугунги кунда киднеппинг жинояти орқали топилаётган даромад йилига тахминан 800 миллион АҚШ долларига тенг. Ўғирлаб кетилган киши учун талаб қилинадиган маблағ 50 доллардан 1 миллион долларгача бўлиши мумкин. Ушбу нархларнинг ўзгариши ўғирлаб кетилган шахснинг ижтимоий гуруҳлардан қай бирига тегишлилиги ва ўғирлар фаолият олиб борадиган ҳудуд билан боғлиқ.

Кўпчилик мамлакатларда маҳаллий жиноятчилар чет эллик меҳмонларни ўзларига ўлжа деб биладилар. Биринчидан, чет элдан келганларда пул кўп бўлади деб ҳисобланса, иккинчидан, маҳаллий жиноятчилар гўё хорижлик шахслар уларнинг давлатига осонликча бойиш учун келган деб улардан ўзига хос тарзда ўч олишга ҳаракат қилишади.

Одам ўғрилари кўпинча йирик бизнесменлар ва уларнинг оила аъзоларига хавф солиши табиий. Бироқ яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бу каби жиноятларнинг аксариятида ўғирларни раҳбар ходимлар эмас, балки ишчилар тоифаси қизиқтиради. Чунки оддий ходимларда қўрқинчи бўлмайди ва уларнинг хавфсизлиги раҳбарлар сингари таъминланмайди.

Ўғирланган шахс эвазига талаб қилинадиган пул аграр ҳудудларда жуда кам бўлса, шаҳарларда анча кўп. Масалан, Мексикада жиноятчилар ўғирлаб кетилган киши учун энг кам миқдорда пул талаб қилишади. Колумбияда эса катта пул сўралади.

Қизиғи шундаки, Колумбияда одам ўғирлаб сотиш «бозори»нинг 80 фоизи кичик жиноий гуруҳлар эмас, балки марксизм йўналишидаги Колумбия революцион қуролли кучлари (FARC) террористик ташкилоти томонидан бошқарилади.

Дунёдаги кўпчилик террористик ташкилотлар киднеппинг билан фаол шуғулланадилар. Масалан, ХАМАС ҳаракати киднеппингдан нафақат ўғирланган шахс учун бир марта пул олиш, балки ушбу шахс ва унинг яқинлари билан мажбурий алоқа ҳамда муносабатларни ўрнатиш мақсадида фойдаланади.

Бугунги кунда кучли иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган Аргентинада эса одам ўғирлаш ўзига хос эпидемияга айланган. Жиноятчилар кимни ўғирлашни танлаб ҳам ўтирмайдилар. Қулай вазият туғилди дегунча хоҳлаган киши ўғирлаб кетилиб, эвазига бундай жиноятларда катта ҳисобланмайдиган пул талаб қилинади. Бу маблағ 250 доллардан 5 минг долларгача бўлиши мумкин. Фақатгина шу йилнинг бошидан мазкур давлатда 120 киши ўғирлаб кетилган.

Баъзи давлатларда чет эллик фуқароларни ўғирлаш жуда кам учрайди. Масалан, Колумбияда ўғирланган ҳар 100 кишининг 6 тасигина чет элликдир. Мексикада эса бундан ҳам кам — 4 та.

Киднеппингдан Нигерия ва ЖАРда кўпроқ чет элликлар жабр кўришади. Нигерияда ўғирлаб кетилган 71 нафар нигерияликка ўғирланган 80 та хорижлик тўғри келади. ЖАРда бу нисбат 57 га 43, Россияда эса 96 га 30 дир.

Грузияда киднеппинг билан курашиш бошқа мамлакатларга қараганда яхши йўлга қўйилган. Сўнгги ярим йилда 15 та киднеппинг факти билан жиноят иши қўзғатилган бўлса, улардан 9 таси очилган. Ўғирлаб кетилган кишилардан фақат биттаси буюкбританиялик (Грузиядаги «Агробизнесбанк»нинг директори) бўлган. Бироқ мамлакатда одам ўғирлашнинг бошқа тури ривожланган. Грузия ИИВнинг маълумотига қараганда сўнгги олти ой давомида 27 та мажбурий уйланиш мақсадида аёл-қизларни ўғирлаб кетиш факти аниқланган. Ушбу ишларнинг барчаси фош этилиб, айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида киднеппинг жинояти жамиятни хавотирга солмайдиган аҳволда. Чунки одам ўғирлаш ҳолатларининг аксариятида ўғирлаб кетилган шахснинг яқинларидан пул ундириш мақсадида жиноятчилар билан тил бириктирганлиги аниқланади.

Жаҳонгир МАХСУМОВ
тайёрлади



Ваколатлар кенгаяди

Арманистонда мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида референдум ўтказилди. Арманистон марказий сайлов комиссияси тарқатган маълумотга қараганда, сайловчиларнинг аксарияти, яъни 68 фоизи ислоҳотни қўллаб-қувватлаган. Конституцияга киритиладиган ўзгартиришга кўра, Арманистон президенти янги бош вазирни тайинлаш вақтида парламентдаги кўпчиликнинг фикрига қулоқ тутиши, янги тайинланаётган бош вазир эса парламент кўмагига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, мамлакат суд тизимининг мустақиллиги мустаҳкамланиб, бу соҳадаги президент назорати бирмунча чекланади. Маҳаллий бошқарув органлари ҳам кўпроқ ваколатларга эга бўлади.

Амалдаги конституция 1995 йилда қабул қилинган, лекин 2001 йилда Арманистон Европа кенгашига аъзо бўлгач, ўзининг Асосий қонунига ўзгартиришлар киритиш мажбуриятини олган эди.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Масала ҳамон очиқ

Пиночет оммавий қирғинлар, геноцид, ёлланма қотилликлар, одам ўғирлаш каби жиноятларда айбланган эди. 1998 йилда қўзғатилган жиноят иши 2001 йили Пиночетнинг соғлиғи ёмонлашиб қолгани боис ҳаракатдан тўхтатилган эди. 2004 йилнинг ўрталарида АҚШ сенати айрим махфий ҳужжатларни ошкор этди. Уларга кўра, Пиночет АҚШнинг турли банкларида сохта ҳужжатлардан фойдаланиб ҳисоб-рақамлари очган ва уларга 8 миллион доллар миқдорида маблағ келиб тушган. Бу пуллар қаердан олинганлиги номаълумлигича қолди. АҚШ мазкур маълумотларни Чили ҳукуматига тақдим этганидан сўнг, судья Серхио Муньосанинг тақдимномасига кўра мамлакат олий суди собиқ диктатордан дахлсизлик мақомини олиб ташлаш тўғрисида қарор чиқарди. Эндиликда Чилининг собиқ раҳбари суд олдида солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ўзининг молиявий аҳволи бўйича маълумотларни яшириш моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Чилининг собиқ диктатори Августо Пиночет 90 ёшга кирди. Ўзининг бу галги юбилейини собиқ раҳбар уй қамоғида нишонлади. Бир судья Пиночетнинг озодликда қолиши ҳақида қарор чиқаришга улгурмасдан, бошқаси унга қарши янги айбловларни эълон қилди. Даставвал Августо



Сувдаги заҳар

Бензол бирикмалари билан заҳарланган Хитойнинг Сунгари дарёси суви Харбин шаҳридан ўтиб, Амур дарёси томон бормоқда. 13 ноябрда Хитойнинг Цзилин шаҳридаги кимё заводида рўй берган авария натижасида Сунгари дарёсига 100 тонна бензол оқиб тушган. Хитой ҳукумати мазкур табиий офатни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Шундай бўлса-да, экологлар ушбу токсик доғ тез орада Амур дарёсига етиб бориши мумкинлигини эътироф этишмоқда. 21 декабргача эса заҳарланган сув Россиянинг Хабаровск шаҳригача етиб бориши эҳтимолдан холи эмас. Ўз навбатида шаҳар маъмурияти аҳолининг сувдан заҳарланишининг олдини олиш чораларини кўраяпти.

Наркокурьерларнинг йўли тўсилди

Ўтган ҳафтанинг охирида тожик-афғон чегарасида бир гуруҳ наркокурьерлар 120 килограмм героинни Афғонистондан Тожикистонда олиб ўтмоқчи бўлишган. Тожикистон чегара хавфсизлиги қўмитасининг матбуот маркази бошлиғи Абдусаттор Гулаҳмадовнинг маълум қилишича, жиноятчилар Москва чегара гарнизони жойлашган Фарҳор қишлоғи яқинида ноқонуний равишда Тожикистонга ўтаётган пайтида улар билан ҳарбийлар ўртасида отишма бўлган. Ҳарбийларнинг огоҳлантиришига жавобан героинфурушлар уларни ўққа тутган. Тўқнашув натижасида битта жиноятчи қўлга олинган, қолганлари Афғонистон ҳудудига яширинишга улгурган. Отишма рўй берган жойдан героинфурушлар ташлаб кетган 120 кило героин топилган.




Хавфсизлик бош масала

Ўтган ҳафта Иордания қироли Абдулла иккинчи мамлакат бош вазири Аднан Бадраннинг истеъфосини қабул қилди. Қиролнинг топшириғига биноан янги ҳукуматни Маъруф Бахит бошқаради. Маъруф Бахит даставвал мамлакатнинг Исроилдаги элчиси вазифасини бажарган. 2005 йил сентябрида эса Иордания миллий хавфсизлик хизмати раҳбари лавозимига тайинланган. Кузатувчиларнинг фикрича, фаолияти деярли ҳар доим ҳарбий разведка билан боғлиқ бўлган шахснинг ҳукумат раҳбари этиб тайинланиши Иорданиянинг келажакда кўпроқ хавфсизлик масалаларига эътибор беришидан дарақдир.

Уйни ким қуради?



Якшанба куни Москванинг Калуга майдонида норозилик намойиши бўлиб ўтди. Россия пойтахтидан уй-жой сотиб олиш учун пулини олдиндан тўлаб, лекин ҳанузгача ўз бошпанасига эга бўлолмаган минглаб намойишчилар шаҳар маъмуриятидан истеъфо талаб этишди. Шунингдек, намойишчилар ҳукуматга мурожаат этиб, уларга ваъда қилинган янги хонадонларни тезроқ қуриб битказишни, бу борада масъул шахслар жавобгарликка тортилишини ҳам талаб қилдилар. Москва шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг хабарига кўра, намойишларда қонун бузилишига йўл қўйилмаган.



Онгли хато

АҚШ вице-президенти Дик Чейни CNN телекомпаниясига берган интервюсида мамлакат аҳолисини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бераркан, кўрсатув чоғи бир неча марта телевизор экранида Чейнининг тасвири устига қора чизиқ тушиб қолди. Телекомпания маъмурияти буни техник носозлик дея изоҳлади. Бироқ эфир чоғида битта аёл бу изоҳни эшитмаганлиги сабабли нима бўлаётгани билан қизиқиб CNNга телефон қилади. Унга телефон орқали жавоб берган телекомпания ходими: «Биз бу билан Буш ва Чейни бизни алдай олмайди ва урушдаги аскарларимизнинг тезда қайтарилишини талаб қилиб шундай қилдик», — дея тушунтириш беради. Жавобдан қониқмаган аёл телекомпания маъмуриятига телефон орқали алоқага чиқиб бўлган воқеани айтиб беради ва саволини такрорлайди. Унга изоҳ берилгач, телефонда аёл билан боғланган ходим ишдан бўшатилди.

Намибиянинг шимолида бутун минтақадаги вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин бўлган муаммо аниқланди. Мамлакатнинг Ангола билан чегарадош ҳудудида одамларнинг оммавий кўмиб ташланган қабри топилган. Қабрлардаги жасадлар сони бир неча юз кишини ташкил этиши мумкин. Можарога сабаб бўлувчи ҳолат шуки, ушбу қабрлар топилган жойда 1980 йилларда Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий базаси жойлашган эди. Лекин мутахассислар мазкур қабрлар 1989 йилда, яъни ЖАР ҳарбийлари бу ҳудудни тарк этгандан сўнг қазилганини кўрсатишаяпти. Мазкур воқеа катта шов-шувларга сабаб бўлди. Намибия президенти ушбу иш юзасидан назоратни тўлиқ ўз зиммасига олди. Ҳукумат томонидан тузилган махсус комиссия айни дамда текшириш ва тергов ишларини бошлаб юборди.



Номаълум жасадлар

Монтаж қилинган туҳмат

Шимолий Корея ҳукумати ўзининг «KCNA» телекомпанияси орқали эфирга чиқиб, CNN телекомпаниясида мамлакатдаги оммавий қатллар тасвирланган филм уйдирма эканлиги ҳақида баёнот берди. «Сирли давлатнинг фош этилиши» номли филм, — дейилади баёнотда, — тўла монтаж қилинган туҳмат, ундаги қатл тасвирлари эса CNN телекомпаниясининг мавқеини оширишга қаратилган бир ҳаракатдир». Тасвирлари жуда хира олинган мазкур филм Шимолий Кореядаги сиёсий аҳволни кескин қоралаб чиққан. Телекомпания маъмурияти шимолий кореяликларнинг баёнотига ҳеч қандай муносабат билдирмаган.





Кондаги портлаш

Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган кўмир конларидан бирида йиғилиб қолган метан газининг портлаши натижасида қарийб 70 киши ҳалок бўлган, 138 нафар кончи эса ер остида қамалиб қолган. Айни дамда қутқарув ишлари давом этмоқда, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари портлаш сабабини ўрганишаяпти. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўзида Хитойда шу тариқа уч мингдан ортиқ кончилар ҳалок бўлган.

Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Сифатсиз дорилар

Москва шаҳар прокуратураси пойтахт дорихоналарида текширув ўтказмоқда. Бунга кўплаб одамларнинг қатор дорихоналарда муддати ўтган дори-дармонлар сотилиши ҳақидаги арзномаси бўлди. Прокуратура ҳамда Москва шаҳар соғлиқни сақлаш департаменти ҳамкорликда ўтказган текширишларда аризаларда кўрсатилган важлар тўлиқ исботини топди. Шунингдек, айрим дорихоналар сотилиши ман қилинган дори-дармонлар билан савдо қилинаётгани ҳам маълум бўлди. Болалар муассасалари ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи қатор корхона ва ташкилотларда маҳсулотни сақлаш ва гигиена қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланган. Текширувлар натижасига кўра, пойтахт прокуратураси томонидан 70 та жиноят иши қўзғатилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Шукур НАФИДДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

«Qonun himoyasida» бирлашган таҳририяти жамоаси Бош муҳаррир Абдухолиқ Абдураззоқовга қайнотаси **ЁҚУБ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратурасининг ҳайдовчиси Зафар Раҳимовга падари бузруквори **Зоҳид РАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

FAXRIYLAR FAXRIMIZ

Фахрийнинг фахрли йўли



Одатда устозлар ҳақида ёзиш қийин кечади. Битта яхши фазилатини ёки элга манзур ишини айтсанг, назарингда бошқаси қолиб кетаётгандай. Ихчамрок ёзишнинг эса иложи йўқдай. Саксон беш ёшни қаршилаган Қизил ота Муҳаммадиев ҳақида ёзиш ҳам анча қийин кечди. Устознинг ҳар бир хислатининг ўзи бир китобга сиғмайди. Қарийб қирқ йил прокуратура тизимида ҳалол ва виждонан ишлаш, фақат ўз касбини ардоқловчи, адолатпеша, софдил кишигагина хос бўлган фазилатдир.

Қизил ота Зоминнинг узоқ тоғ қишлоқларидан бирида туғилди. Аммо маърифатга, илмга бўлган чанқоқлик туфайли у киши узоқ мактабга қатнаб ўқиди. Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида билимини оширди. Озроқ муддат зоотехник бўлиб ишлади. Урушдан аввалги йилларда билимли одамларга эҳтиёж катталиги сабабли, у кишини мактабга ишга таклиф қилишди. Озроқ ўқитувчилик қилди. Кейин Зомин туманидаги мактабларнинг бирига бир неча йил директорлик қилди. Уруш даврида фронт ортини мустаҳкамлашда қатнашди.

Ўша йиллардаги раҳбарлар 1945 йилда Қ.Муҳаммадиевни Тошкентга, икки йиллик ҳуқуқшунослар мактабига ўқишга жўнатишга қарор қилишди. Сабаби, бу соҳада ҳам билимли ходимлар етишмасди.

У киши прокуратура тизимига 1947 йилда кириб келди. Аввал Зомин туманининг ўша пайтлардаги прокурори Исмоил Қурбоновдан ҳуқуқшунослик сирларини ўрганди.

– Илк бор қонунчилик дахлсизлиги учун курашни, одамлар манфаатини ҳимоя қилишни Исмоил ака ўргатган эди, – дея эслайди Қизил ота. – У киши ишига пишиқ ва шафқатли инсон эди. Қўлингдан келса, одамларга яхшилик қил, аммо қонун тарозисини маҳкам тут. Чунки, тарозининг оғир томонида ҳам, енгил томонида ҳам инсон тақдири турибди. Сенинг битта хатоинг билан адолатнинг посангиси бузилади, дер эди.

Устоз 1948 йилда Баллаороллда прокурор ёрдамчиси бўлиб иш бошлади. Ўша пайтда Саҳоб Рашидов (Ш. Рашидовнинг акаси) прокурор эди. Саҳоб ака ҳам содда киши эди. Камтаринлик, қамсуқумликни ўша кишидан ўрганганман. 1 май эди, чамамда. У пайтларда май байрами энг катта байрам ҳисобланарди. Тепадан шошилинч топшириқ келиб қолди. Уни Саҳоб акага тез етказиш керак эди. Ҳовлига кирсам, хотини Хурсанд опа шим тикиб ўтирибди, мени кўриб, акангиз ичкарида кираверинг, деди. Саҳоб ака уйда сарпойчан ўтирибди. Шимини нимадир илиб кетган экан. Ўша шимни йиғилишга ва кечкурунги зиёфатга кийиб кетди. Оддийликни ва камтаринликни қаранг. Ўзини одамлардан баланд олишни истамасди. Акс ҳолда прокурор кияман деса, ўша пайтларда ҳам янги костюм-шим топиб берадиган «хизматкор»лар кўп эди.

Қизил ота ана шундай устозларнинг таълимини олди. Улардан касб сирларини қунт билан ўрганди. Бағрикенглик, одиллик доимо ҳамроҳи бўлди. Унинг ёрдами билан ҳуқуқи тикланган, манфаатларини ҳимоя қилган фуқаролар қанча-қанча.

У кишининг тинимсиз изланишлари билан кўплаб жиноятларнинг пайи қирқилди. Самарқанд туманида прокуратура терговчиси бўлиб иш бошлаган кезлари. Ургутдан қуролланган ва қотиллик содир этган жиноятчи қочганлиги ва у Самарқанд туманида яширинган бўлиши мумкинлиги тўғрисида шошилинч хабар келди. Зудлик билан Қ.Муҳаммадиев раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилди. Жиноятчи яширинган жойларнинг ўрнини аниқлаш ва уни ушлашни ташкил этиш режаси тузилди. Икки кун ичида ўнлаб одамлар билан суҳбат ўтказилди. Жиноятчи чиқиб кетиши мумкин бўлган йўллар ўрганилди. Ниҳоят, иккинчи куни жиноятчи Қизил ота раҳбарлик қилган гуруҳ томонидан қўлга олинди.

Қизил ота раҳматли Тожиҳол ая билан бирга етти нафар ўғил-қизини оқ ювиб, оқ таради, ўқитди, уйли-жойли қилди. Бугун хонадони ўнлаб невара-чевараалар билан гавжум. Шогирдлар эса доимо йўл-йўриқ ва маслаҳат сўраб келишади. Қизил ота ҳам вақтини аямайди. Фурсатдан фойдаланиб, устозни қутлуғ ёши билан мубораксод этамиз. Фарзандларингиз, шогирдларингиз бахтига доимо соғ бўлинг, устоз!

Собир САИДОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

FUTBOL

2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасидан курук қолишимиз ўзбекистонлик кўпчилик футбол мухлисларига жуда алам қилди. Бироқ, тан олишимиз керакки, терма жамоамиз аввалги саралаш ўйинларига нисбатан бир қадам олдинга босди.

Ишлар тўғри ташкил этилса...

Омад биздан юз ўгирганидан сўнг оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда турли фикр-мулоҳазалар билдирилаяпти. Аммо булардан мутасаддилар тегишли хулоса чиқариб олаяптими? Афсуски, улар хато-камчиликларни тан олиш ўрнига, ўзларини оқлашга ҳаракат қилишаяпти. Хатолар тан олиниб, йўқотилмас экан, футболимизнинг олға силжиши қийин бўлади.

Шу ўринда мамлакатимизда футболни ривожлантириш учун қуйидаги таклифларимни билдирмоқчиман:

— хато ва камчиликларни, омадсизликнинг сабабини ўзимиздан қидирайлик (жумладан, ФИФАга йўллаган талабимизнинг нотўғрилигини тан олайлик-да, танқидлардан тўғри хулоса чиқарайлик);

— жаҳон майдонларида муваффақиятга эришиш учун миллий чемпионатимизнинг савиясини оширайлик. Футболчилар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эътиборни ошириб, уларга яхши шароит яратиш лозим;

— футболимизнинг пойдеворини мустаҳкамлаш керак. Бунинг учун футбол мактаблари, интернат ва лицейларидаги шароитни яхшилаш зарур бўлади;

— футболчиларга тиббий хизмат кўрсатишни, даволашни, тиббий кўрикдан тўказишни, профилактик ишларни, жисмоний тайёргарликни жиддий назоратга олиш керак.

Футболимиздаги камчиликларни йўқотмай туриб жаҳон чемпионатига чиқиш ҳақидаги орзумиз ҳеч қачон ушалмайди.

ОАВни кузатиб бориб шу нарсага амин бўлдимки, уларда асосан футбол атрофидаги кишиларнинг фикрлари билдирилмоқда, лекин унинг ичидаги камчиликлар ҳақида мутахассисларнинг фикрлари очиқчасига айтилмаяпти.

Ўзимдан мисол, ОАВдаги бир неча йил аввалги танқидий чиқишларимга мутасаддилар шу кунгача эътибор беришмаяпти. Эътибор қаратишган тақдирда ҳам қоғозлардаги факт-рақамларга қараб, ишларни тўғри ташкил этганмиз, камчиликлар йўқ дейишди. Ҳолбуки, ишлар тўғри ташкил этилганида натижаси қониқарли бўлиши керак эди.

Ушбу мулоҳазаларим билан ўзбек футболини ерга урмоқчи эмасман. Аммо жаҳон майдонларига чиқиш учун иш услубимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур.

Мирзабурхон ДЎСТМУРОДОВ,
«Металлург» футбол клуби шифокори

UCHRASHUV

«Қайнона бўлиш орзуим»



Нозима Воҳидова. 1970 йил 19 июлда Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Маънавият сарчашмаси», «Мезон», «Кўли гул уста» каби кўрсатувларнинг муаллифи. Оилали. Иккита фарзанди бор.

— Нозима опа, суҳбатимизни болалигингиз ва устозларингиз тўғрисидаги хотиралар билан бошласак. Мактабда қанақа ўқувчи бўлгансиз?

— Мактабда дадам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлган. Бунинг устига оиладаги етти фарзанднинг олтитаси ҳам ўқитувчи бўлиб, уларнинг йўлини давом эттиришмоқда. Оиладаги бу руҳият менга ҳам таъсир этган ва ҳамиша намунали ўқувчи бўлишга интилганман.

Кенжаев, Набиева ва яна кўпгина устозларимни жуда яхши эслайман. Гарчи қишлоғимизда ўша пайтда шароит жуда яхши бўлмаган бўлса-да, истеъдодли ёшлар талайгина эди. Ҳа, айтганча, жуда тортинчоқ қиз бўлганман.

— Мактабда қайси фанни кўпроқ ёқтирардингиз?

— Адабиётни ёқтиришим табиий. Аммо математикага меҳрим бўлакча эди.

— Журналистика соҳасига кириб келишингизга нима туртки бўлган?

— Ҳаётда шундай воқеалар бўлар эканки, астойдил истасангиз, яратгандан сўрасангиз, тилакларингиз рўёбга чиқар экан. Асли соҳам тилшунослик. Институтда ўқиб юрган кезларимда бир марта бўлса ҳам микрофон ушлашни орзу қилиб, худодан сўрар эдим. Кейин эса турмуш ўртоғим Алишер ака билан тележурналист сифатидаги фаолияти... Кутилмаганда мазкур соҳада иқтидоримни синаб кўриш имкониятининг туғилиши... Ва ниҳоят, мени кўрсатувга бошловчи сифатида таклиф этишлари каби бир қанча ҳоллар бу соҳанинг ҳаётим мазмунига айланиб кетишига сабаб бўлган дастлабки омиллардир.

— Ўзингизни журналист деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ. Агар эътибор берган бўлсангиз, кўрсатувларда исм-фамилиям ёзилган пайтда тагидан «муаллиф» деган ёзув берилади. Мен журналистика соҳасида ўқимаганимдан афсусланаман.

— Лекин кўрсатувларингизда журналистларга хос жасурлик ва зукколик сезилиб туради-ку?

— Агар мухлисларим шу нарсани сезишган бўлса, хурсандман. Аммо ҳали қиладиган ишларимиз, маҳоратимизни оширадиган қирраларимиз жуда кўп. Дарвоқе, журналистика факултетида таҳсил олаётган талабалар диплом ҳимоясига таклиф этишса, маза қилиб домлаларнинг фикрини тинглайман.

— Сизнингча, тележурналист учун энг муҳим фазилат нима?

— Менимча, биз ҳамиша миллионлаб халқ экран қаршисида ўтирганини ҳис қилиб ишламоғимиз ва самимий бўлмоғимиз керак. Чунки журналист юрагидаги жасоратни самимийлик билан уйғунлаштира олсагина гаплари одамларнинг юрагига етиб боради.

— Бугунги ёшларнинг илмга чанқоқлиги сизни қониқтирадими?

— Шундай саволга баъзан «йўқ» деб жавоб беришади. Сабаби, ёшларнинг ичида юрибман ва, биламанки, уларнинг кўпчилиги вақтини илмга бағишламоқда. Соҳасини чуқур ўрганаяпти. Тўғри, илмдан йироқда, ота-онасига таяниб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ илмий иши устида ўн йиллаб шуғулланаётган фидойи ёшлар орасида бўлганлигим учун уларни қандай инкор этаман?! Биз уларни қўллаб-қувватлашимиз, рағбатлантиришимиз керак.

— Нозима опа, келинг, энди ўзингиз ҳақингизда ҳам гаплашайлик. Оилада қанақа фарзанд ва қандай онасиз?

— Етти марта операция столига ётганим учунми, онам-отам, яқинларимга бўлган меҳрим жуда баланд. Бунинг устига таъсирчанман. Ота-онамни кўргим келиб қолса, баъзан банд бўлишимга қарамай ойда икки марталаб Бухорога бориб келаман. Ота-онамни энг катта бойлигим деб биламан. Худодан уларнинг умрини тилайман.

Она сифатида эса яхши она бўлишга ҳаракат қиламан-у, аммо бунинг уддасидан чиқаман деб айтолмайман. Бироқ, қайнона бўлишни орзу қиламан. Ҳаркалай, яхши қайнона бўлсам керак (кулади).

— Дўстлик ҳақида нима дейсиз?

— Инсон муваффақият қозонсаю, ёнида шодлигига шерик бўладиган дўсти бўлмаса... Менимча, бу албатта ачинарли. Аммо, шукурки, бу борада мен ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Атрофимда дўстларим кўп.

— Улар орасида кимларни алоҳида эътироф этган бўлар эдингиз?

— Нилуфар Умрзоқова билан Муҳаббат Ҳамроевани. Мен уларга жуда кўп ҳолларда суяна оламан.

— Охирги ўқиган китобингиз нима?

— Мутахассисликка оид китобларни тез-тез қўлимга олиб тураман. Охирги марта эса дадам Раҳим Воҳидовнинг «Навоий меросига ошуфта кўнгил» деб номланган китобини мутолаа қилдим.

— Отангиз навоийшуносми?

—Ҳа. У киши адабиётшуносликка доир 30 дан ортиқ китоблар муаллифи.

— Ҳаётда сизга энг кўп маънавий таъсир этган киши ким?

— Албатта турмуш ўртоғим Алишер ака. У киши менинг оғир дамларимдаги ҳам суянчим, ҳам таянчимдир. Улар борки, шодлигим икки ҳисса ошади. Ташвишим эса камаяди.

— «Huquq» газетаси мухлисларига тилакларингиз?

— Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилаётган газета ижодкорларига ҳам, мухлисларига ҳам омад ва зафарлар тилайман.

Зебо НАМОЗОВА
суҳбатлашди

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 158. 10691 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: T.SAIDBOBOYEV
Musahhih: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678